O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 4-may, chorshanba ● № 18 (718) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

2 май. Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройи ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Елкасида журналист деган шарафли, шу билан бирга ғоят машаққатли касб залворини кўтариб юрган оммавий ахборот воситалари ходимлари карнай-сурнай садолари остида кутиб олинмоқда. Ҳамманинг кўзида ҳаяжон — «Олтин қалам» танловининг бу йилги ғолиблари ким бўларкан?», — деган ифода балқиб тургани сезилади.

Репортаж

ЁРУҒЛИККА ШИОР БЎЛГАН «ОЛТИН ҚАЛАМ»

Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказилаётган мазкур тадбирга юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, турли вазирлик, идоралар, нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар ташриф буюришган.

Саройнинг биринчи қаватидаги фойеда китоблар ва миллий ҳунармандчилигимизга оид буюмлар кўргазмасининг ташкил этилгани, мусиқачиларнинг бир-биридан ажойиб куйларни ижро этиши фикру хаёлини кундалик юмушлар банд этган ижод аҳлига ҳақиқий ҳордиқ, байрамона кайфият бахш этяпти.

Қатнашчилар ўз жойларини эгаллагач, тантанали маросимни очиб бериш учун сўз Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломовга берилди. Нотиқ қалам аҳлини 3 май — Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни билан самимий муборакбод этар экан, Юртбошимиз раҳнамолигида миллий матбуотни, оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қалам аҳлининг манфаатларини кўзлаб мукаммал иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани барча соҳалардаги ислоҳотлар аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришаётган ютуқларимизни халқимизга ўз вақтида, холис ва ҳаққоний тарзда етказиш имконини бермоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, рағбатлантириш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бир неча йиллардан буён қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиб келаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Уюшма раиси йил сайин танловнинг нуфузи ошиб бораётганини, шу кунгача 125 нафар журналист «Олтин қалам» соҳибига айланганини, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги арафасида олтинчи бор ўтказилаётган танловда иштирок этган 562 номзод орасидан яна 29 киши муносиб деб топилганини йиғилганлар эътиборига маълум қилди.

— Ушбу танловнинг ўтказилиши, — деди у, — том маънода ижодий беллашув муҳитини яратиш билан бир қаторда миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантириш, ташаббускор, қатъиятли қаламкашларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янги ижодий марралар сари даъват этишда бебаҳо кўрик вазифасини ўтаб бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Шундан сўнг танлов ҳайъати раиси — ЎзА ахборот агентлиги Бош директори Маматқул Ҳазратқулов «Олтин қалам» танловининг жорий йилги рағбатлантирувчи мукофот соҳибларини саҳнага таклиф қилди.

4 »

«БАЛТИКА-1» ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

EnBW энергетика концернига қарашли ушбу шамол парки муқобил электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, 21 та шамол генераторидан иборат. Уларнинг ҳар бирининг баландлиги 160 метрга етади. Шамол парракларининг диаметри эса 93 метр.

5-бет

ПИЛЛА — ҚОП-ҚОП ТИЛЛА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳани янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.



6-бет

ҲЕЧ БЎЛМАСА ГАЗЕТА ЎҚИШСИН!

Мақола муаллифи яна шундай ёзибди: "Аксарият ёшлар Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и ўрнига енгил-елпи кино ва мусиқа дискларини сотиб олади." Бу бор гап! Олади эмас, кўпчилик ота-оналар болаларига олиб беришади ҳам.

7-бет

Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ — мусаффо табиат ва соғлом келажак гарови

Мустақил тараққиётимизнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланиб, ушбу соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда экологик ҳуқуқий муносабатларга оид 30 га яқин қонун ҳамда 350 дан ортиқ қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва амалда қўлланилмоқда. Хусусан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Қонунлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага доир бир қатор қарорлари шулар жумласидан.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш баробарида, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш фурсати етганини қайд этди. Бу борада мазкур қонуннинг пойдеворини айнан экологик соҳадаги жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан олиб бориладиган экологик назорат ташкил этишини таъкидлаш ўринлидир.

Шу ўринда соҳага оид қонунлар таҳлил этиладиган бўлса, уларнинг кўпчилигида асосан давлат ва идоравий экологик назорат юзасидан нормалар белгилангани кўзга ташланади.

2 »

Қадимий ва навқирон Термиз шаҳри ўзгача файз оғушида, кўчалар, хиёбонлар чароғон. Мустақил Ватанимиз байроғи ҳар қадамда ҳилпираб кўнгилларга ҳузур бағишлайди. Амударёдан эсаётган салқин эпкин одамларни осуда ва тинч шаҳар бағрига чорлайди. Сайрга чиққан ёшу қарининг юзида табассум, кўзларида шукроналик ифодаси балқиб турибди. Ота-оналар бағридаги жажжи гўдаклар қўлида "Баркамол авлод" мусобақаси рамзий байроғининг кичрайтирилган нусхаси...

ШИЖОАТЛИ ЁШЛИК БАЙРАМИ

Термиз шаҳрида "Баркамол авлод – 2011" республика спорт мусобақалари бўлиб ўтди

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг "Баркамол авлод — 2011" республика спорт мусобақаларининг очилиш маросими бошланиши арафасида Термиз шаҳри ана шундай тароват кашф этди.

8 »



Янги тарихимиз саҳифалари

ТИКЛАНАЁТГАН ХОТИРА, ОБЛАНАЁТГАН ИРОДА

ёхуд Мустақиллик майдонидаги ўйлар

Мустақиллик ва эзгулик майдони бугунги кунда ҳар қандай кишининг қалбини тўлқинлантиради. Узоқ ва яқин хотиралар уйғонади. Эзгулик дарвозасидан кириб борар экансиз, қаршингизда ҳаёт моҳияти, лаззатию шавқ-шуури рамзи бўлган "Бахтиёр она" ёдгорлиги дилингизни ёритиб, руҳиятингизни кўтаради.

Ям-яшил майдон бир томони тилла ранг, бошқа бир томони оппоқ мўъжизавий биноларга бориб туташади. Улар халқимиз эзгу тилакларининг, беғубор орзуларининг ифодасидай бўлиб туюлади, кишига. Зотан, айни ана шу кошоналарда мамлакат истиқболи, халқ келажаги, миллий равнақ ва ислоҳот режалари тузилади, муҳим қарорлар қабул қилинади. Қаршингизда турган улкан ёдгорлик — бахтиёр она ҳамда қувноқ, соғлом ва дуркун фарзанд қиёфасида мамлакатимизда тинчлик, осудалик, хушнудлик ва бахтиёрлик барқарорлигини, буюк келажакка қатъий ишонч билан яшаётган она Ўзбекистонни тасаввур этасиз.

2 »

Тикланаётган хотира, обланаётган ирода

ёхуд Мустақиллик майдонидаги ўйлар

(Бошланиши 1-бетда)

Дарҳақиқат, бугунги бахтиёрлик, бугунги ҳаёт завқи ва келажакка ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бу кўҳна макон, бу қадимий халқ озодлик кунларига етгунча не-не қирғин-баротларни, жангу-жадалларни, офатлар ва фожиаларни кўрмади. Уларнинг ҳаммасига бардош бериб, юксак маънавий қудрат, ирода ва эътиқод билан истиқболга интилди. Натижада бугунги эркин ва осуда ҳаётга етиб келди.

Ушбу муқаддас макон — азиз саждагоҳ дунёга келишининг ўзига хос тарихи бор. Бу тарих бевосита Мустақиллик ва Президент Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган абадиятга дахлдор ҳодиса!

Мустақиллик кунларининг бирида Президент Ислом Каримов навбатдаги фавқулодда ташаббусини ўртага ташлади: ***"Номаълум солдат қабри эмиш. Нимаси номаълум? Аскарнинг туғилган жойи, наслу-насаби, ота-онаси, қариндош-уруғи мавжуд бўлсаю, ўзи она юртидан бир неча минг чақирим узоқларда фашистлар билан олишиб қурбон бўлсаю, бизни ана шу офатлардан қутқарсаю, унинг номи номаълум бўлса?! Бундан ортиқ инсонни таҳқирлаш, ҳақоратлаш мумкинми?"***.

Бу ғоят эзгу ва инсон қадр-қимматига боғлиқ бўлган қалб даъвати эди. Дарҳақиқат, навқирон бир ўзбек йигити она қишлоғини, маҳалласини, ота-онасини, навжувон келинчакни, ҳали туғилмаган фарзандини зор қақшатиб урушга кетсаю, бегона юртларда қурбон бўлсаю, унинг номи номаълум дейилса! Ўшанда Юртбошимиз масаланинг яна бир жиҳатига алоҳида эътибор берган эди: ***"Сенинг номинг номаълум, жасоратинг абадий эмиш. Бу нима деган гап? Навқирон йигитнинг номи, насли-насаби, инсонлик қадри керак эмас экану, жасорати керак эмиш"***. Ана шу оғриқли гаплар бевосита мустақиллик моҳиятини очиб берди. Истиқлол берган кенг имкониятларни, инсон қадру қиммати ҳақидаги тасаввурларни бутунлай ўзгартириб юборди.

Аслида инсон хотиралар қуршовида яшайди. Зотан, хотира шундай маънавий-руҳий қудратки, у инсоннинг инсонлигини англатгувчи, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб тургувчи буюк қадрият. Хотира ёрқинлиги, тиниқлиги — руҳ тиниқлиги, туйғулар тиниқлигидир. Хотира тозалиги — ҳаёт тозалиги, ўйлар, орзу-мақсадлар, интилишлар покизалигидир.

Умуман олганда, хотира — улкан ва ноёб хазина. У яшаб ўтилган даврдаги ва ундан олдинги барча воқеа-ҳодисаларни ўзига жамлайди. Бу, айниқса, фикр кишиси, ақл-идрок ва тушунчалар орқали ўтмишни англашга, уни ўрганишга, ижобий хулосалар чиқаришга ва ўз тақдирини, келажагини яна шу хулосалар асосида йўлга қўйишга имкон беради.

Миллий истиқлол бизнинг тасаввуримизни ана шундай эзгуликлар билан ўзгартириб юборди. Қалбимизда меҳр-шафқат туйғуларини уйғотди. Мудраб ётган туйғуларимизни жунбушга келтирди. Ватан, Миллат, аждодлар ва авлодлар ворисийлиги ҳақидаги фикрларимизни яна ҳам чуқурлаштирди. "Ватан, "она юрт" тушунчалари чинакамига миллий қадриятга айланди. Бир неча минг йиллар мобайнида қонингда, жонингда, руҳингда яшаб келаётган жамики қадриятлар силсиласи вужудга келди. Ватан, бевосита туғилган гўшанг, муқаддас остонанг, наслу насабинг, шону шавкатинг, инсоний шаънинг, миллий мансублигинг билан боғлиқ бўлган жуда нозик, айни пайтда ниҳоятда улуғвор, мўътабар туйғу эканини англай бошладик.

Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ Президентимиз мустақиллик моҳиятини икки буюк қудрат — "Ватан" ва "миллат" тушунчалари билан тушуниш, англаш ва ҳис этишга даъват этганди. Бу истиқлолнинг ўтган даврида тобора ривожланиб, ўз мазмун-моҳиятини бойитиб, таъсир доирасини кенгайтириб борди. Натижада улкан Ватанга муҳаббат юки, сеҳри, жозибаси ҳар бир фуқаро қалбига — кичик ва мўъжаз Ватанга жо бўлди.

Хотира майдонининг қурилиши, унинг тархи ва лойиҳалари устида ишлар экан, Юртбошимиз ўшанда инсон тақдири, қадру қиммати, миллий орият ва миллат шаъни хусусида бетакрор гапларни айтган эди: ***"Нима учун ана шундай қаҳрамон ва фидойи оталаримиз руҳи шод этиладиган, уларнинг арвоҳлари қувонтириладиган бир пайтда биз қайсидир хорижий шаҳарлар ва улар билан боғлиқ бўлган сиёсий ўйинларни эслашимиз керак?***

Бу майдонда Севастополь ёки Одессага эмас, ана шу жойларда фашизмга қарши жангда қурбон бўлган термизлик, нукуслик, қаршилик ёки андижонлик ватандошимизга ёдгорлик ўрнатишимиз керак. Уларнинг ҳажрида куйиб адо бўлган жабрдийда оналаримиз тимсолини абадийлаштиришмиз лозим. Ана шунда у қалбимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини кучайтиради. Фарзандларимиз зиёратга келганда "менинг аждодларим ана шу Ватанни ҳимоя қилиш учун қурбон бўлишган. Мен шундай бўлмоғим керак" дейди.

Европада жанг қилган ўзбек йигити жон олиб, жон бераётган, ҳаёт билан ўлим ўртасида қолган дақиқаларда айни ана ўша юрт ҳақида ўйламаган. Унинг кўз ўнгида, энг аввало, ота-онаси, қариндош-уруғи, бева қолган аёли гавдаланган. Болалиги ўтган қишлоғи, оёқ яланг кўча чангитиб юрган маъсум болалиги ҳақида ўйлаган. Ана шу энг оғир, мудҳиш пайтларда сўнгги сўзи бўғзида қолиб жигаргўшалари билан видолаша олмай қолган оталаримизнинг армонларини, шикаста ва мажруҳ туйғуларни ўзида мужассам этган Ватан тимсоли, ватанпарварлик рамзи, она юрт ва миллат ифодаси сифатида ёдгорлик ўрнатмоғимиз лозим".

Президент уруш қурбонлари ҳақида гапирар экан, яна бир нарсага диққатни тортди: ***"Номаълум солдат" нима дегани? У нимани англатади? Аслида бу рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилинган сохта ибора! Бу шаҳид кетган аскарни ҳақорат қилиш, унинг руҳини безовта қилиш эмасми? "Сенинг номинг номаълум, жасоратинг эса абадий", деган гапларни ҳам бир ўйлаб кўриш керак. Ахир, бу нима деган гап? Бировнинг, бир тирик жоннинг меҳнати, хизмати, жасорати керак экану, унинг шахси, номи керак эмас экан-да?!***

Келинг, биз аждодлар хотирасини эъзозлайлик, уларнинг ҳурматини жойига қўяйлик, иззат-икром билан номларини улуғлайлик.

9 май шу тарзда мафкурадан холи бўлди, сиёсат ва ғоявийликдан тозаланди. Чинакам Хотира ва айни пайтда Қадрлаш кунига айланди. Бу мўътабар кунни ўз номи билан аташ, уни Ватан ва миллат равнақига, фарзандларимизнинг маънавий барқамол бўлишига, миллий ғурурни тиклашга хизмат қилдириш ғояси амалга ошди. Бунинг учун биринчи галда тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихга янгича муносабатда бўлиш, унинг очилмаган саҳифаларини очиш зарур бўлди. Ана шу тарзда тарих мафкурадан холи қилиниб, инсонийлаштирилди. Унинг мазмуни инсон моҳияти орқали очиладиган бўлди.

Хотира майдони ана шундай тарзда бунёд этилди ва айтиш мумкинки, Юртбошининг қалб изтироблари, оталик туйғуси, миллат ва халқ кечинмаларини жуда чуқур ифода этган қарашларида ижтимоий адолат, инсон қадру қиммати яққол кўринади.

Бугун — орадан бир неча йил ўтиб, халқимизнинг ҳақиқий зиёратгоҳи бўлиб қолган ушбу майдон миллат рамзига, мустақиллик тимсолига айлангани бежиз эмас. Оғриқли хотиралар, фожиали ўтмиш бизни яна ҳам ҳушёрликка, яна ҳам дадиллика даъват этади. Буюк истиқболга чақиради. Унинг натижасида шаклланган миллий бирлик, миллий яхлитлик ҳар қандай бузғунчи қарашларга, ёт ғояларга, миллий тараққиётимизга зид мафкураларга ишончли тўсиқ бўлади, уни барбод этади. Ана шу тарзда хотирасидан ажралган, ўтмишини унутган, аждодларини билмайдиган, миллий қадриятларидан мосуво бўлган турмуш тарзига барҳам берилади. Буюк тарих ва улкан маданиятга ворислик қилаётган, инсоният ҳаётига маданият олиб кирган халқ хотираси тикланмоқда, равшанлашмоқда. Айни пайтда тикланаётган хотира орқали миллий ғурур мустаҳкамланмоқда. ***Ифтихор туйғулари орқали эса миллат иродаси тобланмоқда! Бу миллат буюк келажакка қатъий ишонч билан қарамоқда!***

Нарзулла ЖЎРАЕВ

Экологик назорат —

мусаффо табиат ва соғлом келажак гарови

(Бошланиши 1-бетда.)

Айрим қонунларда жамоат назорати ҳақида меъёрлар бўлса-да, бироқ бу назоратнинг турлари ва амалга ошириш усуллари (механизми) белгилаб берилмаган. Мазкур ҳолат қонун нормаларининг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг ваколатлари уларнинг низомларида белгилаб қўйилиши, 32-моддасида эса табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоат назоратини жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, фуқаролар амалга оширадилар, идоравий, ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи экология хизматларини ва экология соҳасидаги жамоат назоратини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби ушбу қонун ва мазкур хизматлар ҳамда жамоат назорати тўғрисидаги низомлар билан тартибга солиб борилади, деб белгилаб қўйилган. Лекин бир жамоат ташкилотининг низомида белгиланган вазифаларни бажариш бошқа ташкилотлар учун мажбурий эмаслиги, шунингдек, қонунда аниқ белгиланмасдан ҳавола қилинган меъёрлар амалиётда қонуннинг шу нормалари ишлашига кўплаб тўсиқларни келтириб чиқаради.

Шунингдек, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назорати нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролар томонидан амалга оширилиши, "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасида "...чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектларининг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоат назоратини амалга оширишда иштирок этиш" ҳуқуқларига эга эканликлари, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида "...фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилаётган, муҳофаза қилинаётган ҳамда улардан фойдаланилаётганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоат экология экспертизасини ўтказишлари ва жамоат экология назоратини амалга оширишлари" мумкинлиги кафолатланган бўлсада, жамоат назорати ва жамоат экспертизасини амалга ошириш тартиби билан боғлиқ масалалар очиқ қолган.

Бундан ташқари, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Шунга ўхшаш норма "Ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасида ҳам учратиш мумкин. Иккала қонун нормаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда бевосита жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ доираси аниқ белгилаб берилмасдан, бошқа тегишли қонун ҳужжатларига ҳавола қилинмоқда. Ваҳоланки, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишнинг жамоат назорати бирор қонун ҳужжатида учрамайди.



Баён қилинганлардан кўриниб турибдики, экология соҳасидаги қонун ҳужжатларида давлат назоратини амалга оширувчи субъектлар, уларнинг ваколатлари ва давлат назоратини амалга ошириш механизми етарлича белгилаб берилган. Шу боис, янги қонун лойиҳасида жамоат экологик назоратини амалга ошириш усуллари бўлган "жамоат экологик мониторинги", "жамоат экологик экспертизаси" ва "жамоат экологик аудити"нинг объектлари ва субъектлари, амалга ошириш механизми белгилаб берилиши лозим. Шунингдек, бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатларда самарали қўлланилаётган "жамоатчилик эшитуви" институтини қўллаш тартиби ҳам қонунда ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатларнинг экологик назорат соҳасидаги қонунчилиги ўрганилганда, Австралия, Канада ва Сингапур давлатларида "Экологик назорат ва бошқарув тўғрисида"ги Қонунлар амал қилаётгани, уларда жамоат экологик назоратига кам эътибор берилгани кузатилади. Шунингдек, экологик назорат Россия Федерациясининг Экологик доктринасида, Қозоғистон Республикасининг Экологик кодексида ўз ифодасини топган. Россиянинг айрим субъектларида (масалан, Москва шаҳрида) "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган, лекин бу қонун муниципал характерга эга.

Баён қилинганлар асосида бугунги кунда айнан давлат миқёсида бирон хорижий давлатда "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун қабул қилинмагани, ўз навбатида, Ўзбекистонда жамоат экологик назорати масалаларига мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг энг долзарб йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, экологик жамоат ташкилотларининг шаклланишига ва янада ривожланишига ҳар томонлама кенг шарт-шароит яратилаётгани, улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилаётгани, давлат ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани келажакда, албатта, ўз самарасини беради.

Ўктам ҲАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг бўлим мудири

✓ Дилдаги гаплар

Ўзликни англаш йўлида

Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"га бағишланган маърузаларини қайта-қайта ўқиб, кўпдан бери кўнглимга тугиб юрган фикрларни қоғозга туширишга жазм этдим.

Бугун Мустақиллик — бу огоҳлик, эҳтиёткорлик, керак бўлса, жон фидо этиш эканини юртдошларимиз англаб етди.

Очиғини айтганда, ўн саккиз-ўн тўққиз йил бурун "Ўзбек модели" нималардан иборатлиги, унинг мазмун-моҳиятини англаб етолмаган эканман. Вақт ўзи ҳакамлик қилди. Ўша пайтда мен сингари англамаганлар ҳам бугун тараққиётнинг ушбу модели афзалликларини тушуниб етдилар. Мамлакатда тинчликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни, динлараро бағрикенгликни сақлаб қолишда, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида, хуллас, барча-барча ютуқларимизда халқимиз менталитетига хос моделнинг танланиши ва ҳаётга татбиқ этилиши нақадар тўғри иш экани йилдан йилга англашилиб бормоқда.

Баъзан ўйлаб қоламан. Йигирма йил аввал ким эдик, энди ким бўлдик. Давлатимиз раҳбарининг халқаро майдонда ташлаган дадил қадамлари, хусусан, БМТ минбарида туриб жаҳон ҳамжамиятига Марказий Осиёга тааллуқли муаммоларни кўтаришлари... Хусусан, Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудудга айлантирилиши тўғрисида, Афғонистон муаммоси, Орол фожиаси, трансчегаравий сувлардан ҳамкорликда фойдаланиш, қўшни Қирғизистондаги қонли воқеалар сабабларини ўрганиш учун БМТ шафеълигидаги холис комиссия тузиш ҳақидаги таклифлари... Бу масалада Ўзбекистоннинг қатъий позицияси...

Йигирма йилда бошқалар биздан ўрганса арзийдиган ишларнинг амалга оширилгани, айниқса, қувонарли. Масалан, маҳалла институтини олайлик. Бутун жаҳон уни эътироф этиб, ўрганяпти. Ота-боболаримизнинг эзгу амалларини давом эттираётган бир пайтда бизга йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлганларнинг юртида умр бўйи қўшнисининг ким эканини билмасдан ўтиб кетаётганлар кўп. Ана шундай юртлардагилар ҳозир ўрганишаяпти маҳалла нималигини.

Ўзбекистонда жиноий жазоларни либераллаштириш натижаси ўлароқ, ҳозирги вақтда қамоқдагилар сони бўйича дунёда энг паст кўрсаткичга эга бўлди, яъни 100 минг аҳолига 166 киши тўғри келмоқда. Бу рақам Россияда 611, АҚШда 738 кишини ташкил этяпти. Яраштирув институтининг бошқа мамлакатлар томонидан ўрганилаётгани ва қабул қилишга тайёрланаётгани ҳам юқоридаги фикримизнинг тасдиғи. Бу қонунчилик соҳасидаги жиддий ислоҳотлардан бири, холос.

Соғлом авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ёш авлод ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши учун дунёни тушуниши лозим. Бунинг учун ёшлар етарли даражадаги ахборот билан таъминланмоқда. Фуқаро истаган ахборотни олиши эркинлигини таъминлаш очиқ демократик жамиятнинг асосларидан ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда янги қадамлар қўйилмоқда. Биргина оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлашга доир саъй-ҳаракатлар сўзимиз исботидир.

Мактабда ўқиб юрган чоғимда "Қўрқинчли Теҳрон" романини ўқиётганимни отам сезиб қолиб, бу китобни ўқишга ёшлик қилишимни, китобнинг бош ғоясини тушунмаслигимни айтиб, қандай китоблар ўқишим маъқул эканини, бу борада бемаслаҳат иш қилмаслигимни тайинлаган эдилар.

Қизиқ, ўша замонда "Қўрқинчли Теҳрон", "Римлик аёл", "Декамерон" каби асарлар таржима қилинган ва кенг тарқатилган. Бу китобларнинг тарқатилиши халқимизнинг ҳаёсини — юзидаги пардасини олишга қаратилган тутум бўлмаганмикан? Бугун ОАВ орқали "оммавий маданият"нинг хавфли томонлари ҳақида фикрлар билдирилаётгани яхши, албатта. Аммо ахборот олувчи ахборот тарқатувчиларнинг мақсад-муддаосини англашга қодирми? Масаланинг шу томонларини ҳам ўйлаб кўришимиз, бу соҳада тарғибот ишларини асло сусайтирмаслигимиз, "оммавий маданият"нинг қандай оқибатларга олиб келишини тушунтиришимиз керак. Бизда ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари, истиқболи учун қилинаётган экан, ахборот соҳасидаги фаолиятда ҳам бу жиҳатларни эътиборсиз қолдирмаслик лозим. Токи бузуқ ниятда юрганларга ёшларимизнинг ғўрлигидан фойдаланишларига имкон қолмасин.

Улуғ файласуфлардан бири Суқрот ўз даврида ёшларнинг тарбияси тўғрисида куюнган экан. Орадан шунча замонлар ўтибдики, ҳозир ҳам шундай. Биз ҳам ёшларимизни ўйлаймиз. Албатта, улар шу юртнинг эгалари сифатида мамлакатни ақл-заковат билан бошқаришади. Бундан ортиқ бахт бўлмайди.

Ўрал ҲАЙТОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институти доценти

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Йўл ҳаракати хавфсизлиги

Жавобгарлик кучайтирилди, масъулият оширилди

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса мазкур йўналишдаги ишларнинг сифат жиҳатдан юксалишига замин яратмоқда. Жумладан, яқинда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун қабул қилинди ҳамда жорий йилнинг 27 апрель кунидан расман кучга кирди.

Биз ушбу қонуннинг яратилиши, мазмунмоҳияти ва аҳамияти хусусида фикр билдиришни сўраб республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон САЙДАЛИЕВГА бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.



— Мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиёти ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлиги республикамиз автомобиль саноатининг ривожланиши, транспорт воситаларининг кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқ, — дейди ЙХХ бош бошқармаси бошлиғи, полковник Холматжон Сайдалиев. — Шунга монанд равишда динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган замонавий транспорт воситаларининг сони, йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғини, мол-мулкини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатларига, уларни юзага келиш шарт-шароитларига эътиборни кучайтириш лозимлигини тақозо қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кун талабидир.

Маълумки, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга 2006, 2007 ва 2008 йилларда ҳаракат пайтида телефондан фойдаланмаслик, хавфсизлик камарини тақиш, ўзбошимчалик билан монитордан фойдаланиш ёки дисплей ўрнатиш каби қоидабузарликлар учун жавобгарлик бўйича бир қатор янги нормалар киритилган эди. Бу ўз самарасини берди: оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари бирмунча камайди.

Қабул қилинган янги Қонун ҳам ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, у аввало, ҳаракат иштирокчиларининг қонунлар олдидаги масъулиятини оширишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қоидабузарликларни камайтириш ва шу орқали инсонларнинг бевақт ҳалок бўлиши, жароҳатланишининг олдини олишга йўналтирилган.

— Қонундаги асосий янгиликлар, айтиб ўтганингиздек, ҳаракат иштирокчиларига яратилган қулайликлар нималардан иборат?

— Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 28 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 15 та амалдаги нормага таҳририй ўзгартишлар, ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда 5 та янги норма киритилди. 17 та моддани санкциясида кўрсатилган жарима миқдорлари мувофиқлаштирилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қонун билан йўл ҳаракати қоидабузарликларининг аксарияти учун ягона жарима миқдорлари белгиланди. Кодекснинг 15 та моддасидаги йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима миқдорлари, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатлари узайтирилди. Айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар киритилди. Жумладан, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автобуслар ҳайдовчиларининг масъулиятини ошириш, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Кодекснинг 125-моддаси янги, тўртинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, эндиликда **шаҳарлараро, халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобуслар тахографларсиз ёки уни ўчирган ҳолда бошқарилса, бу республикамиздаги энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлади**.

Бундан ташқари, Кодекс «Юк ташиш ва шатакка олиш қоидаларини бузиш" деб номланган янги, 125^1-модда билан тўлдирилди. Сабаби, Кодексда олдин бу турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Жавобгарлик бўлмагани сабабли охирги вақтларда йўлларда юкларни ташиш ва механик транспорт воситаларини шатакка олиш билан боғлиқ қоидабузарликлар кўпайиб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётганди. Шу сабабли Кодексда бундай ҳуқуқбузарликлар республикамиздаги энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлиши белгиланди.

Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолда габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, худди шунингдек, рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга, юк ташиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Қонунга киритилган асосий ўзгаришлардан яна бири — бу 128-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қўпол қоидабузарликлар учун жавобгарликнинг алоҳида моддаларда акс эттирилганидир. Чунончи, ушбу модданинг биринчи қисмидаги ҳаракат тезлигини ошириб юбориш, светофорнинг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслик, тўсиқсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериш ёхуд авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлиши учун қўлланиладиган чоралар алоҳида ажратилиб, Кодекс 128^3, 128^4, 128^5 ва 128^6-моддалар билан тўлдирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 128^3-моддада ҳаракат тезлигини ошириб юборганлик учун жавобгарлик қай даражада тезликни ошириш миқдорига қараб белгиланади. Масалан, ҳайдовчининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ бўлмаган катталикда ошириб юбориши **энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида**, соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан ортиқ бўлмаган катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши **энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида,** соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши **энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима** солишга ёки транспорт воситасини **бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга** сабаб бўлади.

Энг асосийси, ушбу ўзгартиришлар қонунчиликни либераллаштириш принципларига ҳам тўла мос келади. Жумладан, аввал бир моддада баён этилган ҳуқуқбузарликлар учун такрорийлик унинг қайси бири содир этилишидан қатъи назар ҳисобга олинарди. Эндиликда эса айнан содир этилган қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олиниши белгиланди.

— Маълумки, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари кўпинча транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш вақтида юзага келади. Кодексда бу қоидабузарликка нисбатан қандай чора қўллаш кўзда тутилган?

— Ҳар бир ҳайдовчи нафақат транспорт воситасининг бошқарувчиси, балки ҳаракатланиш хавфсизлиги учун жавобгар шахс ҳамдир. Афсуски, айрим ҳайдовчиларимиз баъзи ҳолларда ана шу масъулиятни унутиб қўядилар, транспорт воситасини йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб, маст, ширакайф ҳолда бошқарадилар. Бу нохуш оқибатларни келтириб чиқариши турган гап.

Масаланинг мана шу ижтимоий хавфли жиҳатларини инобатга олган ҳолда ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши учун қўлланиладиган жазо чораси кескин кучайтирилди. Энди бундай ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан **бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этиш** жазоси қўлланилади. Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, бу **энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.**

Шунингдек, маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган (131-модда) ёки тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган (136-моддаси) ҳуқуқбузарларга нисбатан шу кунгача қўлланиб келинган жарима жазоси олиб ташланиб, фақат транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазосини қўллаш кўзда тутилган.

Таъкидлаб ўтганларимиздан ташқари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига яна бир қатор бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилдики, уларнинг барчаси ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган. Ўйлайманки, ҳаракат иштирокчилари йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилишлари билан хавфсизликни таъминлашдек хайрли ишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Суҳбатдош: М.РИХСИЕВ

Адлия фаолиятидан

Тадбиркорлар таянчи

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик ривожи юртимиз тараққиётининг гаровидир.

Дунё ҳамжамиятида тобора қизиқиш уйғотаётган "Ўзбек модели" иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойиллари — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосларини белгилаб бериши билан аҳамиятлидир. Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган мингдан зиёд қонун ҳужжатларидан иборат мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Хусусан, сўнгги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилди, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ идоралари текшириши мумкинлиги ва тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланиши белгиланди. Шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширишлар сони кескин қисқартирилди. Жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунларга мувофиқ тадбиркорлик субъектларининг фаолияти назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта, тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти режали асосда кўпи билан уч йилда бир марта, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти эса кўпи билан тўрт йилда бир марта текширилиши мумкин. Шунингдек, ушбу қонунларда янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувдан ўтказилиши мумкин эмаслиги, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширувдан ўтказиш ўттиз календарь кунидан ошмаслиги алоҳида назарда тутилди.

Буларнинг барчаси юртимизда тадбиркорлик учун кенг имтиёз ва қулай муҳит яратилганини, уларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими кучайтирилганини англатади.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида ҳам бозор ислоҳотлари жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, келгусида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса барча давлат идоралари қатори адлия органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу муносабат билан Бухоро вилоят адлия бошқармаси жойлардаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқлари бузилишига чек қўйиш, соҳага оид қонун ҳужжатларига риоя қилинишини яхшилаш, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунмоҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида доимий тарзда ўрганиш ишларини, тарғибот тадбирларини олиб бормоқда.

2010 йил давомида жойларда ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилиш бўйича 7000 дан ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаган давлат бошқарув идораларининг 99 та ноқонуний қарори бекор қилинди, 61 та қарор ижроси тўхтатилди. Шунингдек, адлия бошқармаси таклифларига асосан 50 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 340 нафар шахс эса интизомий жазо чораларига тортилди.

Фақат жорий йилнинг дастлабки икки ойи давомида "Ишонч телефонлари" орқали адлия бошқармасига ўттизга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қўнғироқ қилиб, ўз ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинаётганини баён этдилар. Мурожаатларнинг асосий қисми ўз исботини топиб, муаммолар ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 40 га яқин тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди.

Бундан ташқари, адлия бошқармаси томонидан бошқа идоралар билан ҳамкорликда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мунтазам ўтказиб келинаётган "Очиқ эшиклар куни"да тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имтиёзлар, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ҳақида батафсил маълумот бериш билан бирга соҳада учраётган муаммоларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бир сўз билан айтганда, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятига нисбатан ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни бартараф этишда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш, уларнинг ижросини тўлиқ ва бир хилда таъминлаш адлия органларининг доимий диққат-марказида.

Анвар РЎЗИЕВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Қонунлар такомили фаровон ҳаёт омилидир. Бу, ўз навбатида, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни тақозо этади. Шу маънода уч йилдан буён Адлия вазирлиги ташаббуси билан мамлакатимиздаги ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Ҳуқуқ билимдонлари» республика қувноқлар ва зукколар беллашуви муҳим аҳамиятга эга.

ҲУҚУҚ БИЛИМДОНЛАРИ

Наманган шаҳридаги Алишер Навоий номли вилоят мусиқали ва драма театрида беллашувнинг республика босқичи ўтказилди. Унда ҳудудлараро саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритган Наманган, Андижон, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Учта шарт асосида ўтган беллашувлар ниҳоятда қизғин кечди. Жамоалар биринчи шартда жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга қаратилган бадиий чиқишларини намойиш этишди. Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган саволларга жавоб беришда бир-биридан ортда қолмасликка ҳаракат қилган ёшлар кўргазмали ва саҳнали кўринишларда ҳам ўзларининг тенгсиз эканликларини намоён этишга интилишди.

Тадбир жараёнида ўқувчиларнинг, айниқса, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» юзасидан билим ва тушунчалари нақадар кенг эканлиги аён бўлди.

Муросасиз кечган беллашув натижаларига кўра Наманган вилоятининг «Янги аср ёшлари», Қашқадарё вилоятининг «Парламент» жамоалари олий, Бухоро ва Навоий вилоятлари жамоалари биринчи ўринга сазовор бўлишди. Иккинчи ўринга Андижон ва Хоразм вилоятлари, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳри жамоалари лойиқ деб топилди.

Ғолиб ва иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати

Ижро

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга берилаётган имтиёзлар ҳақида мунтазам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларнинг эркин фаолият кўрсатишларига монелик қилиш билан боғлиқ суиистеъмолчилик, таъмагирлик ва бошқа қонунбузилишлар хусусида ОАВ орқали туркум чиқишлар қилинмоқда.

НИЯТ ХОЛИС БЎЛСА БАС...

2011 йилнинг ўтган даври мобайнида фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга бошқарма томонидан амалий ёрдам кўрсатиш натижасида жами 17 та хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилиб, 21 та иш ўрни яратилди. Бунинг эвазига 60 миллион 100 минг сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Натижада бюджетга 4 миллион 346 минг сўмлик солиқ ҳисобланиб, тўлиқ тўлов амалга оширилди.

Жумладан, Шеробод туманидаги "Ғалаба" маҳалласида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор Анвар Мусаевнинг мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун банкдан кредит ололмаётгани бўйича қилган мурожаати атрофлича ўрганиб чиқилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан тадбиркорнинг фаолият тури ўзгартирилиб, янги — "Анвар-Ҳасан-Файз" номли хусусий корхона ташкил қилинди. Корхонага мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ТИФ Миллий банки Шеробод филиалидан 50 миллион сўмлик кредит маблағи расмийлаштирилиб, шу ҳисобдан иш ҳажми кўпайишига амалий ёрдам, йўл-йўриқ кўрсатилди ва еттита қўшимча иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига зид равишда савдо билан шуғулланиб келган фуқаролар савдо қилиш ваколатига эга бўлишлари учун улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилди. Бунинг натижасида 994,7 минг сўм давлат божи ва солиқлар ундирилди.

2011 йил мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар, уларнинг натижаларини доимий равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш чоралари белгиланган.

Улуғбек МАМАРАЖАБОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ департаментининг Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ЁРУҒЛИККА ШИОР БЎЛГАН «ОЛТИН ҚАЛАМ»

(Бошланиши 1-бетда)

«Қашқадарё» газетаси мухбири Назарали Тиллаев «Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун», «Узрепорт» ахборот агентлигининг Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси кўмагидаги «Бизнес репорт» кўрсатувининг лойиҳа раҳбари Дилшод Султонов «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган энг яхши материал учун», «Туркистон» газетаси мухбири Наргиза Умарова «Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун», Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Вазият» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Дилшод Ражабов «Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун», «Правда Востока» газетаси мухбири Мария Уханова «Энг яхши журналистик текширув учун», Ўзбекистон Экологик ҳаракати матбуот хизмати раҳбари Тожиддин Қамаров «Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун», ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти режиссёри Жўрабек Ҳамроев «Энг яхши режиссёрлик иши учун», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Тўрабек Тўраев «Энг яхши матбуот хизмати», «Туркистон» газетаси фотомухбири Бобур Пўлатов «Энг яхши фоторепортаж учун», «Муштум» журнали рассоми Мирсаит Ғозиев «Энг яхши карикатура учун», Хитой Халқ Республикаси Синьхуа ахборот агентлигининг Тошкентдаги бўлими мухбири Дун Лунцзян «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун» номинациялари ғолиби деб топилдилар.

Тўрабек ТЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ҳамда ролини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини эркинлаштириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлардаги иштирокини кенгайтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, кадрлар малакасини юксалтириш, моддий-техник базасини замон талаблари даражасига олиб чиқиш учун катта куч ва маблағ сарф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти ҳам ана шу улкан эътиборнинг бир кўриниши десам, янглишмайман. Бундай ғамхўрликдан биз матбуот хизмати вакиллари ҳам чексиз фахрланамиз, айни пайтда зиммамизда улкан масъулият турганини ҳам дилдан ҳис қиламиз.

Шунингдек, тадбирда қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини топшириши. «БМТ хотин-қизлари» тузилмаси фаолиятини ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни масалаларини ёритгани учун «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Қизлар давраси» кўрсатуви муҳаррири Шаҳло Мансурова ва "Ёш куч" журнали бўлим муҳаррири Адолат Файзиева БМТнинг, «Ишонч» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Рустам Давлатов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мавзусини ёритгани учун Жаҳон банкининг, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўлими мутахассиси Наргис Қосимова Барқарор ривожланиш мавзусини ёритгани учун ЮНЕСКОнинг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Шундан сўнг танловнинг асосий номинациялари тантанали равишда эълон қилинди. «Олтин қалам»нинг «Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика)» номинациясида 1-ўрин Қорақалпоғистон Республикасида демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг самаралари ҳақидаги туркум материаллари учун «Еркин Қарақалпақстан» газетаси бўлим муҳаррири Пухарбай Тлеумуратовга, 2-ўрин мамлакат ва халқаро миқёсдаги муҳим воқеаларни тезкорлик билан ёритган таҳлилий материаллари учун «Узрепорт» ахборот агентлигининг бош муҳаррири ўринбосари Альбина Гайсинага, 3-ўрин Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни тезкорлик билан ёритган туркум материаллари учун «Халқ сўзи» газетасининг халқаро ҳаёт ва спорт масалалари бўлими муҳаррири Шавкатжон Ортиковга насиб қилди. Уларга диплом, статуэтка ва пул мукофотларини Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқова топширди.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" газетасининг халқаро ҳаёт ва спорт масалалари бўлими муҳаррири:

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти бу йил жуда юқори савияда ташкил этилди. Асосий номинацияларга муносиб топилган номзодлар ҳақида видеороликлар тайёрланган, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан янги номинация жорий этилгани, мукофотларни топшириш жараёни, концерт дастури — ҳаммаси эсда қоларли бўлди. Мен учун аҳамиятлиси, «Олтин қалам» VI Миллий мукофотининг Интернет-журналистика йўналиши бўйича учинчи ўрин соҳиби бўлдим. Бу ҳам шараф, ҳам масъулиятдир. Мукофотни қўлимга олар эканман, ўзимда қарздорлик ҳиссини сездим ва ният қилдимки, бундан кейинги фаолиятимда шу ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Танловнинг «Энг яхши журналистик материал учун (радио)» йўналиши бўйича ғолибларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Саидов ўқиб эшиттирди. Биринчи ўринга ёшларга мўлжалланган «Вақт», «Хайрли тонг» ҳамда «Наупир» эшиттиришлари учун ЎзМТРК Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси муҳаррири Гулназ Нурбекова, иккинчи ўринга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросига бағишланган эшиттиришлари учун «Водий садоси» радиостанцияси муҳаррири Елена Петрусевич, учинчи ўринга экология муаммоларига бағишланган «Табиат ва биз» ҳамда «Бевосита мулоқот» туркумларидаги эшиттиришлари учун ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали муҳаррири Шоҳиста Қосимова лойиқ деб топилди.

Гулназ НУРБЕКОВА, ЎзМТРК Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси муҳаррири:

— Дунёда турли касблар бор. Лекин уларни ўзаро бирлаштириб турадиган бир касб борки, у ҳам бўлса, журналистикадир. Биз — журналистлар ҳар куни турли одамлар билан мулоқотда бўламиз, уларнинг ўй-хаёллари, дардлари ва қувончларидан бохабар бўламиз. Шунинг учун ҳам бу шарафли касбимни бошқа барча касблар билан узвий алоқадор деб биламан.

«Олтин қалам» танловига жами бешта эшиттиришим билан қатнашдим. Масалан, «У оламни қўшиқ билан кўради» эшиттиришимда кўзлари ожиз боланинг ҳаёт учун кураши, тўрт мучаси соғ инсонлар қаторида ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши ёритилган бўлса, «Ўзбекистон — умумий уйимиз»да ўзбек, тожик, қозоқ миллати вакилларининг мақсадлари, орзу-интилишларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганман. Очиғи, биринчи ўринни олганимни эшитганимда, қаттиқ ҳаяжонланиб кетдим. Бу мукофот фақат менга эмас, балки бутун қорақалпоқ журналистлари учун берилган мукофотдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев «Энг яхши журналистик материал учун (матбуот)» йўналишининг ғолиблари номини ўқиб эшиттирди. 1-ўринни мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг самаралари ҳамда қулай инвестицион муҳит яратилганини кенг ёритган материаллари учун Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири Воҳид Луқмонов, 2-ўринни сиёсий партиялар фаолиятига бағишланган туркум мақолалари учун — «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири Бекзод Шукуров, 3-ўринни вилоят ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кенг ёритгани учун «Маънавият» газетаси бўлим мудири (Фарғона вилояти) Шоҳидбек Аслонов қўлга киритди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири:

— Бугун юртимизда журналистика соҳасига, умуман оммавий ахборот воситаларини тубдан ислоҳ қилишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу борада 10 га яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани сўзимиз исботидир. Ўтган йилнинг 12 ноябрь

куни мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳам соҳамизнинг янада тараққий этишига кўмаклашадиган бир қатор қонун лойиҳаларини таклиф этдилар. Шундай экан, ўзбек журналистикасининг янада ривожланишига шубҳа йўқ. Мен қарийиб ўн йилдан буён Ўзбекистон ахборот агентлигида меҳнат қилиб келаяпман. Мазкур мукофотга лойиқ топилишимда бу даргоҳдаги забардаст устоз журналистлар билан бирга ишлаётганим, уларнинг кўрсатган йўл-йўриғи, бебаҳо тажрибасидан ўрнак олганим қўл келди, деб ўйлайман.

Шундан сўнг саҳнага кўтарилган Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Алишер Ходжаев «Энг яхши журналистик материал учун (телевидение)» йўналиши бўйича ғолиблар номини эълон қилди. 1-ўрин мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни ҳамда халқаро майдонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кенг ёритган кўрсатувлари учун "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририятининг сиёсат, иқтисод ва халқаро ҳаёт бўлими бошлиғи Собиржон Турдиевга, 2-ўрин «Баркамол авлод йили», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурлари ижросига бағишланган «Юрт меҳри» кўрсатувлари учун ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг муҳаррири Мастура Фармонова ҳамда халқимизнинг бой маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга бағишланган туркум кўрсатувлари учун ЎзЭОАВМАга аъзо "Истиқлол" телевидениеси бош муҳаррири (Бухоро вилояти) Зилола Худойқуловага, 3-ўрин эса мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни атрофлича ёритгани учун ЎзМТРК "Ўзбекистон" телерадиоканали "Янги жамият" студияси катта муҳаррири Фарҳод Ҳожиевга насиб қилди.

Собиржон ТУРДИЕВ, "Ёшлар" телерадиоканали ЁАЖ "Давр" ахборот дастурлари бош муҳарририяти сиёсат, иқтисод ва халқаро ҳаёт бўлими бошлиғи:

— Журналистика — мураккаб соҳа. Бугунги ахборот асри эса оммавий ахборот воситалари вакилларининг ишларини янада қийинлаштирди. Сабаби, ҳозир бир хабарнинг минглаб вариантлари оммага ҳавола этилаяпти. Унинг қайси бири тўғри, қайсиси хатолигини нафақат одамлар, балки журналистлар ҳам вақти келганда фарқлай олмай қолишмоқда. Демоқчиманки, мана шундай мураккаб вазиятда ўзбек журналистлари халқимизга асл маълумотларни холис ва аниқ етказиб беришяпти. Улар давлатимиз томонидан мунтазам тақдирланиб борилаётгани эса таҳсинга лойиқ.

Аслида, ҳар бир инсонни эътибор, қўллаб-қувватлаш ва ғамхўрлик қувонтиради, янада жонбозлик билан меҳнат қилишга ундайди. Энг асосийси, эртанги кунга ишонч билан боқишга сабаб бўлади. Мазкур мукофотни олаётган лаҳзада қалбимда ана шундай ўй-кечинмалар, туйғулар жуш урди. Чиндан ҳам ижодкор учун бундай юксак эътирофнинг ўрни ва аҳамияти жуда қадрли.

Ва, ниҳоят, навбат асосий номинацияга етиб келди. «Олтин қалам»нинг «Журналистика соҳасидаги бош миллий мукофоти»га нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти учун Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали сазовор бўлди. Медиа-фестивалнинг лойиҳа раҳбари Фирдавс Абдухолиқовга бош мукофот — махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофотини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов топширди.

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали лойиҳа раҳбари:

— Бу олий мукофотни, аввало, бизга — ўзида юздан ортиқ электрон ОАВни бирлаштирган Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига билдирилган ишонч намунаси деб биламан. Мазкур мукофот бундан кейин янада кўпроқ ишлашимизга, халқимизга ёқадиган кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрлашимизга катта туртки бўлади. Бунинг учун Юртбошимизга, танлов ташкилотчиларига ўз ташаккуримни изҳор қилиб қоламан.

Мана, давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида катта тантаналар билан ўтказилган «Олтин қалам» миллий мукофоти учун олтинчи халқаро танлов ҳам ўз ниҳоясига етди. Танлов ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилди.

Ўзига хос катта байрамга айланиб кетган мазкур тадбирда журналистларни қутлагани ташриф буюрган эл суйган хонандалар — Ғуломжон Ёқубов, Ғиёс Бойтоев, Гулсанам Мамазоитова, Райҳон Ғаниева, Зиёда Қобилова ва бошқа бир қатор «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ижро этган дилтортар қўшиқлар йиғилганлар кўнглига оламолам завқ-шавқ улашди.

Иномжон АБДИЕВ, «Hurriyat» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** Давлат дастурини амалга ошириш учун қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни татбиқ этиш ва қўллаб-қувватлаш;

– аҳоли ўртасида янги бизнес тури – оилавий бизнесни ривожлантириш, касаначиликни ривожлантириш учун ўқув ва консультатив курсларни ташкил қилиш;

– аҳоли бандлигини яхшилаш ва даромадларини ошириш мақсадида ёшлар, аёллар ва жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни кичик бизнес, тадбиркорлик, халқ хунармандчилигига жалб қилиш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тайёрлаш, қайта ўқитиш, малакасини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, оилавий бизнес субъектлари орасида ҳамкорлик (кооперация) алоқаларини ривожлантиришда кўмаклашиш;

– қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш, қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчилар орасида кооперация алоқаларини мукаммаллаштириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат;

2.Жамоат фондининг www.fundngo.uz. сайтида келтирилган шаклида грант лойиҳасининг аризаси;

3.Ташкилотнинг руйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори – 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2011 йил 31 май соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 формат): «*100035,* Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй»да жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт. Ҳужжатлар юборилган санаси почта муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатларни бевосита жамоат фондига топширишда, улар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Рухсатномалар бюросида қабул қилинади.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг расмий сайтида: www.fundngo.uz., шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-64; 239-26-76).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг **"Атроф-муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, республика минтақаларидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш борасидаги ишларда аҳоли ва ННТларни фаоллигини ошириш"**га қаратилган қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

– экотуризмни ривожлантириш, аҳолининг экологик саводхонлиги ва маданиятини ошириш, табиатдаги биохилма-хилликни сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчиликни бажариш бўйича давлат муассасалари ва корхоналари фаолияти устидан жамоатчилик экологик назоратини ўтказишда ННТларни жалб қилиш;

– мамлакатда турли формал ва ноформал ўқитиш шаклларида узлуксиз экологик таълим системасини жорий этиш;

– аҳолининг турли ижтимоий қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

– аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрини камайтириш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

– номақбул экологик омиллар натижасида келиб чиққан касалликлар профилактикаси;

– ижтимоий-экологик роликларни кашф этиш;

– экологик жиҳатдан номақбул минтақалардаги (Орол бўйи ва бошқа) аҳолини иқлим ўзгаришига мослаштириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган кузатувчи хат;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz. сайтида келтирилган шаклда грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг руйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар билан).

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори – 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2011 йил 31 май соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган (ёпиқ) конвертда (А4 формат): «*100035,* Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй»да жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юборилиши шарт. Ҳужжатлар юборилган санаси почта муҳрига қараб эътиборга олинади. Ҳужжатларни бевосита жамоат фондига топширишда, улар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Рухсатномалар бюросида қабул қилинади.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг расмий сайтида: www.fundngo.uz., шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-64; 239-26-76).

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!

Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

«VOLKSWAGEN» ХИТОЙ БОЗОРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ

«Volkswagen» концернининг раҳбарияти энг оддий ва арзон автомобиль сотиш учун янги бренд (тимсол) яратишни режалаштирмоқда. Ушбу бренд Европа ёки Америка учун эмас, балки биринчи навбатда дунёдаги энг йирик автомобиль бозори — Хитой учун яратилади.

— Бугунги кунда ҳамкоримиз FAW компанияси билан биргаликда янги бренднинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини ўрганиб чиқмоқдамиз, — дейди концернинг Хитойдаги савдоси бўйича вице-президенти Вейминг Сох. — Биз арзон автомобиллар ишлаб чиқаришга эришишимиз керак.

Шуни қайд этиш лозимки, кейинги пайтларда «General Motors», «Honda» ва «Nissan» компаниялари ҳам Хитойда ўзларининг янги брендларини ташкил этишни эълон қилишган. Улардан қолишмаган ҳолда «Volkswagen» ҳам «камбағаллар учун» янги марка яратишни хоҳламоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, бугунги кунда Хитойда айнан шу сегмент жадал суръатларда ривожланиб боряпти. Янги бренднинг яратилиши билан концерн Хитойда автомобиль сотиш ҳажмини янада ошириши мумкин.

БРАЗИЛИЯДА ТАБИИЙ ОФАТ

«РИА Новости» ахборот агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Бразилиянинг жануби-шарқий ҳудудида жойлашган Алагоас штатида кучли жала қўйиши оқибатида 3 минг нафардан ортиқ киши бошпанасиз қолган. Айни пайтда штатнинг бешта шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Маълум бўлишича, тўхтовсиз жала ёғиши тошқинларни келтириб чиқарган. Кучли сел оқимлари эса ўз йўлида учраган юздан ортиқ уйларни вайронага айлантирган. Шунингдек, 312 та иншоот сув остида қолган. Жабрланганлар вақтинчалик мактаблар ва клубларга жойлаштирилган. Ҳозирча бир кишининг ҳалок бўлгани айтилмоқда.

Метеорологларнинг фикрича, ёмғир ёғиши яқин кунларда тўхтамаслиги эҳтимоли бор.

«БАЛТИКА-1» ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Болтиқ денгизида бунёд этилган «Балтика-1» номли шамол парки фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда «Deutschland Funk» радиоси хабар тарқатган.



EnBW энергетика концернига қарашли ушбу шамол парки муқобил электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, 21 та шамол генераторидан иборат. Уларнинг ҳар бирининг баландлиги 160 метрга етади. Шамол парракларининг диаметри эса 93 метр.

«Балтика-1» соатига 185 гигаватт электр энергия ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу бирданига 50 минг уй-жой энергия билан таъминланади, деганидир.

EnBW концерни яқин орада яна бир шамол паркини қуриш ниятида. «Балтика-2» деб номланадиган ушбу муқобил энергия иншооти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича «Балтика-1»ни ортда қолдиради.

БУТУН ЖАҲОН БАНКИДАН МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

Сербия Бутун жаҳон банкидан 100 миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам олади. Бу ҳақда «France-Presse» агентлиги хабар тарқатди.

Мазкур кредит маблағи кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Аниқроғи, бу маблағ уч нафардан кўп аъзолари бўлган оилаларга кўрсатиладиган ижтимоий кўмак миқдорини икки баробарга ошириш имкониятини яратади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги вақтда Сербияда 700 мингга яқин киши камбағалликда кун кечиряпти, аҳолининг 19 фоизи эса ишсизлардир.

КОМПАНИЯ 3 МИЛЛИАРДГА БАҲОЛАНДИ

АҚШнинг энг йирик овоз ёзиш компанияларидан бири «Warner Music» 3 миллиард долларга сотилади.

«The Financial Times» газетасининг ёзишича, «Access Industries», «Platinum Equity» ва «Gores Group» консорциумлари компанияни сотиб олиш учун кураш олиб боришади. Чунки улар томонидан тўлов қобилияти мавжудлиги тўғрисидаги билдиришнома ва бошқа ҳужжатлар тақдим қилинган.



Шунингдек, харидорлар сафига машҳур Sony компанияси ҳам қўшилиши мумкин. Қолаверса, бундан бир ой муқаддам савдо тендерининг иккинчи босқичида «Platinum Equity», «Yucaipa», «Sony ATV», «BMG Music Publishing» ва «Access» компанияларининг иштирок этиши тўғрисида хабарлар тарқалганди.

«Warner Music» компаниясига 1958 йилда асос солинган. Ҳозир у сармоядорлар гуруҳига тегишли.

РЕКОРД ДАРАЖАДА

Германияда бензин рекорд даражада қимматлашди. Мамлакатдаги 15 мингдан ортиқ ёнилғи шохобчаларида 95-бензиннинг бир литри ўрта ҳисобда 1,604 еврода сотилди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, 2008 йилдан буён бу ҳолат кузатилмаган эди. Аниқроғи, ўша йилнинг июль ойида бир литр бензин нархи 1,595 еврога баҳоланганди.

Айни пайтда мамлакат нефть ишлаб чиқарувчилари уюшмаси мутахассислари томонидан ёнилғининг қимматлашувига бир нечта омиллар сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ана шулардан биринчиси ёз мавсуми бошланиши билан Европада нефть маҳсулотларига бўлган талабнинг 20 фоизга ошганидир. Бундан ташқари, бензин захираси камайгани туфайли АҚШ кейинги пайтда Европа бозорида фаол иштирок этяпти. Шунингдек, Хитойда ҳам бензин истеъмоли кескин даражада ортган.

Кузатувчилар бензин нархи яна ошиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛДИ

Канадада парламент сайловлари бўлиб ўтди. «Associated Press» агентлиги хабарига кўра, унда бош вазир Стивен Харпернинг Консерватив партияси ғолиб чиққан.

Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, консерваторлар мамлакат қуйи палатасидаги 308 та ўриндан 164 тасига эгалик қилишлари мумкин. Агарда шундай бўлса, мазкур партия вакиллари илк бора ҳукуматда кўпчиликни ташкил қилишади.

Дарвоқе, сайловда Либерал партия ҳеч кутилмаганда имкониятни бой бериб қўйди. Натижада Майкл Игнатьефф бошчилигидаги либераллар янги парламентда бор-йўғи 35 та депутатлик ўрнини эгаллашадиган бўлди. Бундан «Янги демократия» партияси унумли фойдаланиб қолди. Эндиликда бу партиянинг 106 вакили парламентда иш олиб боради.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН

Япония ҳукумати жорий йилнинг 11 март куни руй берган зилзила оқибатларини бартараф этиш мақсадида 4 триллион иен (50 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.



Бу маблағни мамлакат бюджети ҳисобидан 2011-2012 молия йилида ажратиш ва сарфлаш кўзда тутилган. Умуман жорий молия йилида давлат харажатлари энг юқори кўрсаткичга етади – тахминан 92,4 триллион иен (1,1 триллион доллар).

Бюджет маблағининг асосий қисми уй-жой қурилиши ва ободончилик учун сарфланади. 1,2 триллион иен эса зилзиладан талофат кўрган ҳудудлар инфратузилмасини тиклашга йўналтирилади.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 11 мартида Японияда зилзила ва цунами руй берган, шунинг оқибатида «Фукусима-1» АЭСида ҳалокат келиб чиққан эди. Айни чоғда табиий офатлар келтирган зарар миқдори 300 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

ТОРНАДОНИНГ НОХУШ ОҚИБАТЛАРИ

АҚШнинг жанубий ҳудудларида рўй берган торнадо (кучли қуюнлар) оқибатида ҳалок бўлганлар сони 340 кишига етди. Хориж оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда айтилишича, табиий офатдан айниқса, мамлакатнинг Алабама штати жиддий зарар кўрган: бу ерда узлуксиз давом этган торнадолар 246 кишини ҳаётдан олиб кетган.

Алабамадан ташқари Миссисипи, Арканзас, Миссури ва Теннесси штатларида ҳам кучли торнадолар кузатилган. Бунинг натижасида ҳатто «Браунс Ферри» атом электр станцияси фаолияти вақтинчалик тўхтатилган ва ярим миллионга яқин аҳоли электр таъминотисиз қолган. Торнадолар етказган моддий зарар миқдори ҳозирча айтилмаяпти.

Кузатувчиларнинг қайд этишларича, 1925 йили бўлиб ўтган қуюнлар 747 кишининг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган. Бу галги торнадолар эса мамлакат тарихидаги энг кўп талофат етказган иккинчи табиий офатлардир.

Турфа олам

РУЛЬ СОҒЛИҚ УЧУН ЗАРАРЛИ!

Сиз «Автомашинанинг рули соғлиқ учун фойдалими ёки зараралими?» дея ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ундай бўлса, бу саволга Британиянинг Queen Mary университети экспертлари жавоб топишганини маълум қиламиз.



Тасаввур қилинг-а, оддийгина автомобиль рулида жамоат ҳожатхонасидагидан тўққиз марта кўп микроб мавжуд экан. Тадқиқотчилар рулнинг бир квадрат дюймида 700 та бактерия аниқлашибди, ҳожатхонада эса бор-йўғи 80 та! Энг ёмони, бактериялар ичида инсон организми учун ўта хавфлилари ҳам бор.

Олимларнинг таъкидлашича, бактериялар автомашинанинг фақатгина рулида эмас, балки юкхонасида ҳам ўзларини анча қулай "ҳис этишаркан". Шу боис, юкхонанинг ҳар бир квадрат дюймидан 1000 тагача бактерия жой олиши мумкин экан.

Бундай феноменнинг сабаби жуда оддий — аксарият ҳайдовчилар рулни умуман ювишмайди. Масалан, АҚШда ҳайдовчиларнинг учдан бир қисмигина йилда бир марта руль чамбарагини тозалаб туришади.

ТУРГАН-БИТГАНИ ФОЙДА

Америкалик олимлар помидор истеъмол қилинганда, рак, юрак-қон томир ва остеопороз каби касалликлар келиб чиқишининг олди олинади, деган хулосага келдилар.



Тадқиқотчилар бир қатор тажрибалар ўтказишди. Аниқланишича, помидор ликопин моддасига жуда бой. Ҳатто термик ишлов бериш жараёнида ҳам у ўзининг бу хусусиятини йўқотмайди. Шунинг учун томат пастаси ҳам, турли хил помидор консервалари ҳам ниҳоятда фойдали.

Бундан ташқари, помидор яллиғланишга қарши курашиш хусусиятига эга. Шунинг учун чекувчиларга кўпроқ помидор истеъмол қилиш тавсия этилади. Қолаверса, бу сабзавот мия фаолиятини ҳам яхшилайди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида помидор ҳаммабоп бўлгани учун ҳам унинг фойдали маҳсулотлар ичида энг нодири деса бўлади.

ЭЛЕКТРОКАРЛАР ПОЙГАСИ

Жорий йилнинг 6 август куни Буюк Британияда ўзига хос автопойга бошланади. Мусобақанинг ўзига хослиги шундаки, унда фақат электр двигателли автомобиллар қатнашади.

Мусобақа тақвимига мувофиқ, дастлабки уч босқич Англия трассаларида ўтказилади. Сентябрь ойининг ўрталарига келиб пойгачилар Бельгия йўлларида кураш олиб боришади, кейинчалик яна Англияга қайтишади. 26 ноябрь – 17 декабрь кунлари эса автопойга АҚШнинг «Laguna Seca» ва «Auto Club Speedway» номли трассаларида давом эттирилади.

Айни пайтда чемпионатда «Формула-1» ғолиби Деймон Хилл, пойгачи ва каскадёр Бен Коллинз сингари таниқли спортчилар қатнашиш истагини билдиришган.

ЧАНГ БЎРОНИ, ҚУМ «ЁМҒИРИ»

Японияннинг миллий метеорология бошқармасининг хабар беришича, Хитойдан эсган кучли шамол Хонсю оролининг айрим ҳудудларига, шунингдек, Токиога чанг бўронларини олиб келган.

Агентлик маълумотларига кўра, бу йил биринчи марта Токио, Нара, Киото, Нагоя, Сидзуока, Ниигата ва Маэбаси шаҳарларида сариқ қум "ёмғири" кузатилган. ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, мазкур ҳудудларда кўриш ёмонлашгани сабабли самолётларнинг бехатар учишига хавф туғилган.

Метеорологлар Хонсю оролининг жанубий ва марказий ҳудудларида чанг бўронлари келтириб чиқарган нохуш ҳолат мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларига ҳам тарқалиши мумкинлигини уқтиришмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
жамоаси
халқимизни
9 май—Хотира ва қадрлаш куни
билан самимий муборакбод этади.



Шу муборак замин аҳлига
сиҳат-саломатлик, хуш кайфият,
тинчлик-хотиржамлик тилайди.
Тинч ва осойишта ҳаётимизга,
юртимизга асло кўз тегмасин!
Юртимиз тинчлиги ва бугунги
саодатли кунларимиз йўлида
жон фидо қилган
ватандошларимизнинг номи
халқимиз қалбида абадийдир!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

Яхшилар ёди

Умр зийнати

Ҳаёт қонунлари қатъий, вақт эса ундан-да изчил ва бешафқат. Дунёга келдингми, умр берган бўлса, ўсиб-улғаясан. Кеча ота-онангга фарзанд бўлсанг, бугун ўз фарзандингга ота-онасан. Кейин фарзандларинг кунда бир яшнаб, бўй кўрсатиб, улғайиб боради, иккинчи тарафда ота-онангнинг қадди кундан-кунга чўкиб, қартая бошлайди. Буларнинг бири қувонтирса, бошқаси маҳзун этади...

Биз ота-онадан беш фарзандмиз — тўрт қиз ва бир ўғил. Ҳаммамизни ўқитишган, илмли, касб-ҳунарли қилишган. Болачақа, уй-жой, оиладан бадастирмиз. Лекин, ҳеч биримиз оилавий аҳилликда, бир-биримизни қадрлаш, авайлашда ота-онамизга тенглашолмадик. Улар бошқача эдилар.

Эркак кишининг кўчадаги, жамиятдаги муваффақияти унинг оилавий муҳитига ҳам боғлиқ. Бу бежиз эмас. Отам, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ўз фаолияти давомида "Умид", "Меъмор", "Дегрез ўғли", "Темур Малик", "Чотқол йўлбарси", "Илдизлар ва япроқлар", "Илон ўчи" каби 11 та роман ҳамда ҳикоялар, қиссалар ва шеърий тўпламлар яратди. Бу, албатта, у кишининг ижодга бўлган масъулияти, меҳнатсеварлиги ва сергайратлигининг натижаси. Балки, онамнинг фидойилиги, оқила ва меҳрибонлиги у кишининг фаолиятига сермаҳсуллик бағишлагандир.

Ёзувчининг турмуш ўртоғи бўлиш қийин, дейишади. Отам аса ўз умр йўлдошини доимо авайлардилар. Эсимни танибманки, ойим уйдалар. Отам ижод қилишлари учун хонадонда чиройли муҳит яратишга ҳаракат қилганлар. Айниқса, отам нафақага чиққанларидан кейин ижодга янада берилдилар. Кўчага камдан-кам чиқардилар. Ҳар доимгидек эрта саҳарда туриб ижод қилишни давом эттирардилар. Ота-онам бир оғиз, ярим оғиз гапдан бир-бирларини тушунардилар. Уларни кузатиб бир қувонсам, бир юрагим орқага тортиб кетарди: бир кунмас-бир кун... Кўпроқ хавотирим ойимдан эди. Чунки сўнгги 24 йиллик умрларини хасталик билан ўтказиб келаётган эдилар-да. "Қандли диабет"дан азият чекардилар. Отамиздан кўнглимиз тўқ эди, чунки 83 ёшга кирган бўлсалар-да, бирор маротаба тиббий муолажага муҳтожлик сезмагандилар. Ҳатто бош оғриқ, тумов нималигини билмасдилар. "Мен кулолнинг ўғлиман, зувалам хумдонда пишириб олинган" дердилар ҳазил аралаш.

Бир неча авлод боболарим кулол ўтишган, отамнинг оталари Мирҳожи кулол бўлган. Мирҳожи бобомнинг отаси Мирсаид кулол, у кишининг отаси Миршариф кулол, уларнинг отаси эса Мирҳайит кулол бўлган. Отам ҳам ёшликларидан кулолчиликка аралашиб юриб, қўллари анча келишиб қолган экан. Ҳатто урушнинг охирги йилларида бу хонадонга келин бўлиб тушган ойим ҳам тупроқ ийлаш, лой қориш, пишитиш, тараш, хумдонга узатиш, офтобда қуритиш каби ишларни бажара олган эканлар.

Кулолликнинг нони қаттиқ, дейишади. Чунки у ўта заҳматли меҳнатни, сабр-чидамни талаб қилади. Демоқчи бўлганим, отам соғлиқлари ва бардамликлари билан кулоллар авлодидан эканини исботлаб келаётган эдилар ғўё... Лекин онам вафот этгач, у кишининг шашти қайтди. Ва ўн ойлар нари-берисида дунёдан ўтдилар. Умр бўйи ибрат, таянч бўлиб келган инсонлардан айрилиш қийин кечади, албатта.

Мамлакатимизда ҳар йили оммавий тарзда байрам қилинадиган Хотира ва қадрлаш куни арафасида у кишининг иш столидаги қораламаларини варақлаб ўтириб шуларни ўйладим. Отам тугалланмаган романининг биринчи саҳифасидаги "Бағишлов" сўзини шундай ёзган эканлар: "Киши ўз ҳаётида кўп нарсаларни кўради, кўплари унутилади, кўплари ёдда сақланиб, сўнгги дамигача етиб боради. Ҳаётимиздаги унутиб бўлмас хотираларни қаламга олдим, десам бўлади. Шояд ҳурматли китобхонларга манфаат етказса. Ҳаёт ўзи кураш демак, бу курашда билимсизлар, худбинлар, ёлғончилар, димоғдорлар, бировнинг ҳақидан қўрқмайдиганлар, дилозорлар енгилади, адолату заковат билан иш юритиб, юрт манфаатини ўйлайдиганлар, ғайратли инсонлар камол топади...

Она юртни чинакам севмоқ, унга қалбан, жисман боғлиқ бўлмоқлик азалдан ўзбек халқига хос. Бизлар илдизи чуқур, Кушон салтанатига, бир томондан Зардўштийликка, "Авесто"га етиб борадиган, бир томондан Афросиёбу Сиёвуш даврига туташган мамлакатмиз. Шу юртни озоду обод сақламоқ қалбимиздаги эзгу ниятдир. Ушбу романимни — "Асрлар бешиги" деб атадим. Бу, она Ўзбекистонимиз демакдир".

Ҳар куни бир назаримиз тушадиган отамизнинг ёзув столида ёзган романларининг ҳар биридан бир нусха, Ўзбекистон энциклопедиясининг охирги нашри ва бир даста суратлар сақланади. Ҳар куни уларни қўлга олиб, мароқ билан ҳикоя қилаётган сўзларини эслайман.

"Билаги зўр бирни енгади, билими зўр мингни енгади" деган мақолни ота-онам тилидан кўп бор эшитганман. Мактаб ёшига етгунимча оилада, қариндош-уруғлар орасида, "хаёлпараст бола" номини олиб, китоб йиғиб ўзимнинг мўъжазгина кутубхонамни ташкил қилгандим. Ота-оналар ҳар куни фарзандига эртак айтиб берганидек, менинг ёшлигимда ҳам отам ҳар куни кеч бўлганда жангномалар ўқирдилар. "Рустами достон", "Або Муслим", "Барзуйи деҳқон", "Алиф Лайло", Сўфи Оллоёру Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари, Навоий, Фузулий, шоҳ Машраб ғазалларини кўп ўқишарди. Паҳлавонларнинг ўз халқига, ўз ватанига, подшоҳига содиқлиги жангнома китобларида ғоятда ҳаяжонли тасвирланган эди. Ўз Ватанимизга, она тупроққа, саркарда Амир Темур каби садоқатли бўлиш туйғулари ўша замонлардан юракка жо бўлган.

Отамнинг "Оқ мармар", "Чўри", "Тунги чақмоқлар" қиссалари, "Широқ" достони, "Меъмор", "Темур Малик" тарихий романларини ёзишларига болаликдаги ана шу қизиқишлар асос бўлгандир балки.

"Яратганга шукур, ёшим 85 га етиб қолди. Мақтаниш эмас, йиллар оша йиққан бисотимиз ана шу китоблар, бойлигимиз фарзандларимиз бўлди", — дегандилар бир гал суҳбатлашиб ўтирганимизда.

Мана, қўлимда отамнинг якинда нашрдан чиққан яна бир "Сайланма" асари. Унда ҳали китобхонларга таниш бўлмаган ҳикоялар, қиссалар ва қатралар жамланган.

Умр ўтаверар, яратилган, бунёд этилган нарсалар эса, хотирага айланаверар экан...

Гулюз МИРМУҲСИН қизи

Замондошлар

Инсон инсонга ҳамиша керак...

шифокор сувратига чизгилар



Уҳонасида ўйга ботиб ўтирибди. Ўткир нигоҳи бир нуқтага қадалган. Ким билади, у нималарни ўйлаяпти? Ҳозиргина ўзи бошқараётган бўлим кардиологлари билан бўлиб ўтган йиғилиш тафсилотлари-ю, белгилаб олинган режалар ижроси ҳақида мушоҳада қилаётгандир, балки. Ё куни кеча бўлим кардиологлари хизматидан мамнун бўлиб клиникада тутилган «Раҳматномалар» китобига ўз миннатдорликларини ёзиб кетган уруш ва меҳнат фахрийлари — Эргаш ота Собиров, Шариф ота Номозов ва Лев Трошинларнинг самимий дил сўзларини эслаб, «инсон инсонга ҳамиша керак» дея мулоҳаза юритаётганмикан? Балки фурсати келиб, ўзининг ҳаёт йўли, умр бекатлари ва етук кардиолог шифокор бўлиб етишуви чорраҳаларига назар солаётгандир...

Нима бўлгандаям, эллик ёш остига бориб қолган, кўринишидан жиддий ва муомалада вазмин, ўта самимий бу инсон портретига чизаётган чизгиларимиз унинг ҳозирги қиёфасига янада монандроқ «ранг» беради.

Дарвоқе, Ахрор Ҳамроевнинг ҳаёт йўли оддий, лўнда: у доим яхши одамлар назарида бўлди, илм, амалиёт ва тажриба бағрида камол топди. Ўрта мактабни мувафақиятли тугатиб, Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Олийгоҳни аъло баҳолар билан битириб, академик Ориповга шогирд тушди. Таҳсилига таҳсил қўшди. Сўнгра Авиасозлар шаҳарчасидаги тиббий клиникада кардиолог сифатида иш бошлади. Амалиёт, тажриба... Тиббиёт фани уни уммон сингари ўз бағрига тортди. Ревматология соҳаси фикру хаёлини эгаллаб олди. Устозлар маслаҳати, юрак амри билан яна ўқишга, изланишга бел боғлади. Илмий ишга қўл урди. Кўп ўтмай «Ревматизм ва унинг асоратлари» мавзуида номзодлик ишини ёқлади. Яна меҳнат фаолияти, амалиёт, тажриба...

Мудирнинг хаёлини телефон қўнғироғи бўлди.

— Ахрор Асрорович, беморлардан бири юрагининг бугун олинган кардиологик текширув натижаси билан қизиқаяпти, бераверайликми? — сўради ҳамкасби Манзура Муродова.

— Ким экан?

— Тулесбоев...

— Ҳа-а-а, Исмоилбекми, бераверинг, натижалари яхши. Ҳа, айтгандай ўша кардиограммани Флюра Муҳаммедовна билан биргаликда ўзларинг ҳам кўриб чиқинглар, хулосаларингни айтасизлар.

— Хўп бўлади!

Бироз ўтиб, телефон яна жиринглади:

— Ассалому алайкум, Ахрор ака, мен Зулфия Алимова, катта ҳамшира — узр безовта қилдим, эртага режалаштириш йиғилишига ҳамма ҳамширалар кирсинми?

— Ҳа, албатта. Умида, Моҳира.., барчаси кирсин, Галина Григорьевнага айтинглар, таътилда бўлсаям бирров келиб кетсин. Мени илтимос қилди денглар. Ҳарҳолда кўпни кўрган, қирқ икки йиллик меҳнат малакасига эга ҳамшира... Маслаҳати керак...

Бўлим ишларини ташкил этишда ҳамкасблари билан доим кенгашиб, маслаҳатлашиб ҳал қилишга одатланган Ахрор Асрорович бу гал ҳам шундай йўл тутди. Бўлимнинг энг сўнгги диагностик ва даволаш асбоблари билан жиҳозланиш даражасини ошириш масалалари маслаҳатлашиб олинди. Даволаш ва диагностиканинг мультиспираль компьютер томографияси тўғрисида мулоҳаза юритилди. Юришга мадори келмай қолган беморларга биринчи ёрдам ва ташҳис қўйиш даражаларини қандай белгилаш йўл-йўриқлари белгиланди. Ва яна: диагностиканинг илғор ускуналарини ўрганиш учун клиника билан илмий-амалий ҳамкорлик қилаётган хорижий турдош тиббиёт муассасаларида малака ошириб келишга номзодлар танлаш масаласи ҳам кенгашиб олинди.

— Мустақиллик йилларида тиббиётнинг кардиология соҳаси бениҳоя ривожланиш йўлига кирди, — дейди Ахрор Ҳамроев. — Соҳа ходимларининг самарали фаолияти учун кенг имкониятлар, қулай шарт-шароитлар яратилди. Клиникамиз ҳам, бизнинг кардиология бўлимимиз ҳам жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Иқтидорли кардиологнинг касбига, бурчига бўлган иштиёқи, иш тутиши, меҳри, муҳаббати ва садоқати дастлаб ўз оиласида шаклланди. Одамлар «шифокорлар оиласи», «шифокорлар сулоласи» деб тилга олган мазкур хонадонда Ахрор Асроровичнинг акаси Аброр Ҳамроев тиббиёт фанлари доктори, профессор, укаси Акмалжон Ҳамроев олий маълумотли стоматолог, умр йўлдоши Мунирахон олий тоифали шифокор, катта қизи Дилдорахон Тошкент Давлат тиббиёт академиясини тугатиб Врачлар малакасини ошириш институтининг клиник ординатура бўлимида соҳага оид таҳсил олмоқда. Ўғли Сайдаъло тиббиёт коллежи ўқувчиси, кичик қизи Мукаррамхон ҳали ўқувчи унинг ҳам орзуси тиббий ходим бўлиш.

...Баъзан ўйлаб қоласан киши. Орамизда ўз меҳнати, иқтидори билан бутун куч-ғайратини касб фаолиятига йўналтириб, одамлар сиҳат-саломатлигига бағишлаган, бағишлаётган табиатан камтар, камсуқум турли касб эгалари борки, улар ҳақида нима учундир кам ёзамиз, кам биламиз. Ҳолбуки, ёшидан, касбидан, лавозими ва мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири эл эъзозига, эл ҳурматига муносиб кишилар, замондошларимиздир.

Даврон САЪДУЛЛАЕВ

Мавсум

Пилла — қоп-қоп тилла

Қишлоғимнинг самимий инсонлари, уларнинг турмуш ташвишларидаги кичик саналган воқеа ҳам мен учун улкан ҳодисадек туюлади.

— Майрам қўшнимиз ипак қурти олди, — деб қолди қўнғироқ қилганимда энам.

Бирдан сергак тортдим. Ишхонада ўтиравериб, қишлоғимда, юртимиз қишлоқларида айни шу кунларда авжланадиган шундай жабҳалар борлигини унутаётганимдан хижолат чекдим. Қўшнимизнинг ипак қуртлари аллақачон тўртинчи уйқудан турибди...

Хаёлим болалик хотираларига кўчди.

...Саҳарда бобом билан қишлоғимиз адоғидаги тутзорга борамиз. У кишининг ёшлари ўтиб қолган бўлсалар-да, эпчиллик билан дарахт тепасига чиқиб, шохларни чопқилайди. Мен эса ерга тушган новдаларни йиғаман. Сўнг уларни машина тиркамасига ортамиз. Уйга олиб боргач, барларни ситиб, ипак қуртларга улашамиз. Ҳаммасидан қизиғи — мен учун уларнинг озиқланишини завқ билан томоша қилиш эди. Бироз аввал бус-бутун барглар бир зумда илма-тешик бўларди-қоларди...

Маълумки, ипакчилик тарихи узоқ замонларга бориб тақалади. Хитой олимлари ипак толасидан мато тўқиш 5 минг йил аввал ўз ҳудудларида шаклланиб, сўнгра ғарбий давлатларга, кейинчалик эса Европага ёйилган, деб ҳисоблайдилар. Бироқ тарихчи олим Аблат Хўжаевнинг "Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар" китобида келтирилишича, ўзбекистонлик археолог-тарихчи олим, академик Аҳмадали Асқаров томонидан Сополлитепа, Кўлбулоқ, Жойтун, Бама, Найзатепа каби жойларда очилган ва милоддан аввалги XVI-XVII асрларга тегишли қабрлардан пилла, ипак мато бўлаклари, ипак мато тўқийдиган дастгоҳлар топилгани ҳақида аниқ маълумот келтирилади. Ўзбекистон ҳудудидан топилган ипак мато бўлаклари Тошкент тўқимачилик институтида янги замонавий техника ва услублар асосида атрофлича ўрганилиши натижасида улар Хитойда эмас, балки юртимизда тўқилган матолар экани аниқланган. Шунингдек, айрим жойлардан тут ёғочи бўлаклари, тут барги ҳам топилгани тадқиқотнинг аниқлигини яна бир карра исботлайди.

Бу бир тарих.

Бугун-чи? Бугун юртимизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ипак қурти йилда бир марта, яъни баҳор мавсумида боқиладиган сермеҳнат жараён. Такрорий қурт боқиш учун алоҳида селекция ишлари ўтган асрнинг 50-йилларида олиб борилган. Натижада "Бивольтин 111" ва "Бивольтин ТашСХИ 112" зотлари, 70-80 йилларда эса "Ёзги 1" ва "Ёзги 2" дурагайлари яратилган. Аммо ушбу зотларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари паст бўлгани учун амалиётга жорий этилмаган.

Мамлакатимиз пилла етиштириш бўйича Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Кореядан кейинги ўринда туради. Бугун ипакчиликка ихтисослашган корхоналаримизда атлас, хонатлас, беқасам, шойи, шунингдек, плашбоп, костюмбоп, астарбоп газламалар, штапель, аралаш толалардан кийимкечак тикиладиган газламалар, тукли ва силлиқ газламалар, сунъий ипларидан абрли газламалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда аллақачон ўз харидорларини топиб улгурган. Бундан ташқари, мамлакатимизда касаначилар томонидан маҳаллий усулда атлас, адрас, беқасам каби маҳсулотлар тўқилиши ҳам йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрда қабул қилган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳани янада такомиллаштириш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

— Бу йил республика бўйича 25 минг тонна пилла етиштириш мўлжалланган, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Қаҳҳор Ёвқочдиев. — Бунинг учун 435 минг қути ипак қурти жонлантирилди. Ипак қуртлари ҳудуд об-ҳавосига қараб аввалида Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларига, сўнгра бошқа вилоятларга тақсимланди. Шу кеча-кундузда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ҳам тарқатилмоқда.

Ҳозирда юртимизда мавжуд 56 минг гектар тутзор, 73 миллиондан ортиқ якка қатор тут дарахтларига агротехник ишлов бериш ишлари йўлга қўйилган. Бу ҳудудлар эҳтиёжга қараб ипак қурти боқувчиларга тақсимланади.

Пиллакорлар зарур жиҳозлар — тўшама қоғоз, термометр, психрометр, фармалин каби ашёлар билан етарли даражада таъминланган. Ҳар бир қути учун боқувчиларга олдиндан муайян миқдорда ҳақ берилган.

Ҳозирги кунда республикамиз бўйича "Ўзбекистон 5", "Ўзбекистон 6", "Ипакчи 1", "Ипакчи 2" ипак қуртларининг зот ва дурагайлари тарқатилган. 2010 йилда 1 килограмм пилла учун 1700 сўм харид нархи белгиланган бўлса, 2011 йил бу нарх 3200 сўмга кўтарилди.

Маълумотлар билан танишар эканман, менинг олис Сурхон воҳасидаги қўшним Майрам опа, унинг минг-минглаб издошлари мамлакатимизга пилла эмас, қоп-қоп тилла етиштириб берилишида ҳисса қўшаётганларидан мамнун бўлдим.

Фозил ЖАББОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Акс-садо

Газетада чоп этилган "Фарзандингизга кулиб боқинг" номли мақола ўй-хаёлимда йиғилиб қолган фикрларни қоғозга туширишимга туртки бўлди. Дарҳақиқат, муаллиф Бобур Муҳаммадиев кўтарган мавзу ниҳоятда долзарб масала — бугунги авлод маънавий тарбиясидаги муаммолар хусусида. Қолаверса, мақола ўқишли ёзилган.

Ҳеч бўлмаса газета ўқишсин!

("Hurriyat", 2011 йил, 13 апрель, 15-сон)

Хусусан, унда баён этилган муаллифнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: **"Бир куни кичкина тажриба ўтказдик. Сериал томоша қилиш ўрнига мен ҳам, хотиним ҳам кўлимизга китоб олиб, ўқий бошладик. Бизни кўриб болаларимиз ҳам қўлларига китоб олишди".** Ушбу тажрибани мен ҳам ҳаётда қўлладим. Ўзининг ширингина шевасида келинойимга қараб "Аба, абу, қайанг, Кумуш опа бошланди" деяётган жияним олдига ўтириб, расмли китобларни варақлай бошладим. Шу пайт у "Менам бий қўйай-чи", деб китобни талаша кетди.

Бу оддий тажрибадаги хулоса ҳаётга соф назар билан боқадиган болаларнинг қизиқувчанлик, тақлид қилувчанлик хусусиятини теранроқ англашга ёрдам беради. Демак, ёшларнинг фақат яхши нарсаларга тақлид қилишига катталар масъул ва бу борада улар намуна бўлишлари керак экан: ака укага, ота-она фарзандларига, ўқитувчи ўқувчига, бобо набирасига, устоз шогирдига...

Мақола муаллифи яна шундай ёзибди: "Аксарият ёшлар Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и ўрнига енгил-елпи кино ва мусиқа дискларини сотиб олади." Бу бор гап! Олади эмас, кўпчилик ота-оналар болаларига олиб беришади ҳам.

Наманган шаҳридаги "Чорсу" бозори олдидаги ер ости йўлида дисклар сотиладиган ёйма расталар бисёр. Мен ҳам харидормисол нархини суриштираман. Сотувчилар, олувчилар, қизиқувчилар — мактаб, коллеж ўқувчилари! Кўчма расталарда турли дисклар: терма-йиғма қўшиқлар, клиплар, ваҳшийлик, жангарилик, беҳаёликни тарғиб этувчи фильмлар, мультсериаллар "гулдастаси" орасида "юлдуз"ларнинг никоҳ тўйлари кўчирилганлари ҳам бор. Янги диск сотиб олган бир кишидан қизиқиб "Қанақа диск харид қилдингиз?" деб сўрадим. Ёши ўттиз бешлар атрофидаги бу одам "Ўғлим тўртинчи синфда ўқийди. Ўтган сафар шаҳарга тушганимда қўшиқчи Шароф Муқимов ва Севинч Мўминоваларнинг никоҳ базми ёзилган дискни сотиб олгандим. Мазза қилиб кўрдик. Бугун бозор-ўчардан ортиб қолган пулга ўғилчамга яна бошқа бирини олдим", дея жавоб берди.

Китоб. Диск. Газета. Ушбу кетма-кетликни ёзишимнинг сабаби бор, албатта. Буларнинг уччаласидан ҳам маънавиятимизни оширадиган билим, маълумот, маданий ва эстетик завқ олишда фойдаланилса бўлади. Аммо унутмаслигимиз керак: олди-қочди дискларни мунтазам кўриш болаларнинг маънавий, руҳий ва жисмоний тарбияси учун хавфлидир. Ундан кўра китоб, газета ўқиш минг чандон яхши эмасми? Кўпни кўрган устозлар "Тарбия — таъсир этиш", дея кўп таъкидлайдилар. Жуда оқилона фикр. Бугун "Тўғри юр, тўғри тур" деб тарбиялаб бўлмайди. Шунинг учун ёшларга китоблар, газеталар, яхши кўрсатувлар орқали эса таъсир этиш, таъсирланишни ўргатишни жиддий бошлаш керак, назаримда.

Балки ота-оналар ташаббус кўрсатиб, ўғил-қизлари номига ёшларига мос газеталарга обуна уюштиришар. Шундай қилинса, ёш қалб биринчи марта почта орқали ўз номига келган газетани қўлидан қўймаса керак, деб ҳисоблайман.

Ўрни келганда яна бир воқеани айтиб ўтиш жоиз. Бир ойча аввал телефонимга "sms" хабар келди: "Дарс, транспорт, оқшом уйда зерикдингми? Ечими мобиль телефонга янги ўйинларни ўрнат! 0584 га қўнғироқ қил ва вақтингни чоғ ўткиз!" Энди озгина мулоҳаза қилиб кўринг. Ўқувчи дарсда ўқитувчини тинглаш ўрнига телефонда ўйин ўйнаб ўтирса, транспортда атрофни томоша қилиб, юртимиздаги бунёдкорликларни кўриб, ундаги ўзгаришларга бўлган дахлдорликни ҳис қилиш ўрнига телефонга "термулиб" кетса, уйда оқшомда ота-онасига ёрдам бериш, ижтимоий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиш учун китоб-газета ўқиш ўрнига қандайдир ўйинлар билан банд бўлса?! Телефон хизматлари нималарга даъват этяпти ўзи? Вақтни чоғ ўтказиш эвазига бой бераётганларимизни мобиль компаниялар ходимлари билишармикин? Шунга ўхшаш тарғиблар ёшларни осонгина енгил-елпи нарсаларга тақлид қилишга, мослашишга ўргатмаяптимикин? Бу хилдаги саволларнинг эса адоғи йўқ.

Таниқли публицистлардан бири айтган қуйидаги фикрлар, ўйлаймизки, мақоламизга ўринли хулоса ясаб беради: "Ёшлар китоб ўқимаяпти" деган гаплар тез-тез қулоққа чалинади. Китоблар қайсидир маънода "оғирлик" қилаётган бўлиши мумкин. Газета-журналларда ҳам ибратли ҳикоялар, воқеалар, мақолалар чоп этиляпти. Ёшлар ҳеч бўлмаса газета ўқишсин!.."

Орифжон ЖЎРАЕВ,
Наманган Давлат университети талабаси

Мутолаа

Ўзбекона кулги қиссаси

Яқинда ёзувчи Ғафур Шермуҳаммаднинг "Ёшлик" журналида эълон қилинган "Баракасини берсин..." номли қиссасини ўқиб чиқдим. Ўқиб бўлгач эса асардан олган айрим таассуротларни ўқувчилар билан баҳам кўриш иштиёқи уйғонди.

Назаримда, ушбу қиссада ҳозирги ўзбек насрида кўпам учрайвермайдиган бир қатор ноёб фазилатлар бордек.

Гап шундаки, асар номи — "Баракасини берсин..." худди "Топганингиз тўйга буюрсин", "Ҳалолингиз бўлсин" сингари халқимизнинг энг эзгу, энг муқаддас, энг сидқидил, том маънодаги ўзбекона тилакларидан бири ҳисобланади. Халқона тилакни асар номига олиб чиқишнинг ўзиёқ муаллифнинг нақадар халқчиллигидан яққол далолат бериб турганди.

Ҳамма гап кулгининг самимийлигида! Маълумки, насримизда Ғафур Ғуломнинг "Кулги ҳикоялари"дан бошланган ҳазилмутойибага бой асарлар, кулиб-кулиб ўқиладиган ҳикоялар ва ҳажвиялар кўп. Неъмат Аминовнинг "Ёлғончи фаришталар", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор", Уйғун Рўзиевнинг "Атиргул", Нурилло Аббосхоннинг "Шўрқишлоқ" романлари сингари аччиқ истеҳзо ва заҳарханда йўғрилган йирик ҳажвий асарлар талайгина. Лекин Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" ва Эркин Аъзамнинг "Отойининг туғилган йили" қиссалари, Анвар Обиджоннинг бир қатор асарлари сингари бошдан охир кулиб-кулиб ўқиладиган содда-беғараз ўзбекона кулги барқ уриб турган қисса анчагина камёбу ноёб ҳодиса ҳисобланади. "Баракасини берсин..." қиссаси ана шундай камёб асарлар сирасига киради, деб ўйлайман. Асарда ўзгача бир завқ-шавқу иштиёқ билан ўқиса бўладиган кулгили ҳолатлар тасвири, қаҳрамонларнинг зўрма-зўраки эмас, табиий кулги уйғотадиган гап-сўзлари ва ҳатто муаллиф тилида ҳам содда-самимий ўзбекона табассум баайни балқиб-жилоланиб турибди, дейиш мумкин. Бу ҳол дастлабки жумладаёқ аён кўринади. Одатда, илк жумладаёқ ўқувчи қалбида мутолаа шавқини уйғотолмаган асарнинг кейинги жумлаларда қизиқишга қизиқиш қўшиб, иштиёқни кучайтира олиши даргумон. Мазкур асардаги илк жумлада ўзбек қишлоғи субҳидамининг ажиб сир-синоатлари, "тонг сирлари" шундай жозибали тарзда самимий кулгига йўғрилган ҳолда кўрсатилади: "Туни билан диққинафас катакда беғам ялпайиб ётган бир гала макиённинг орасида тоқати тоқ бўлган бабоқ хўроз, ниҳоят, чўзиб-чўзиб қичқирди. Унинг ғазабидан қўрқиб бир чеккада қунишибгина тонг оттирган жўжахўроз ҳам узуқ-юлуқ товушда унга жўр бўлди. Аммо бабоқнинг адоватли қанот қоққанча ўзига яқинлашиб келаётганини кўриб дарров уни ўчди. Зумда атрофни хўрозларнинг қичқириғи тутиб кетди".

Иккинчи жумладаёқ қишлоқ тонгининг тасвиридан бевосита қишлоқдаги яхши одамлардан бирининг тасвирига табиий равишда ўтилади: "Кечқурун ширин тушлар кўриб ҳалимдеккина кайфиятда уйғонган Ўтаган бува бомдод номозига таҳорат ушатмоқ ниятида офтоба кўтариб ташқарилади".

Жумладаги "ҳалимдеккина" деган сўз қаҳрамоннинг айни лаҳзалардаги кайфиятинигина эмас, инсоний табиатини, феъл-атворини ҳам мухтасар ифодалаб турибди. Навқирон пайтларида "гажак зулфлари ойнинг ўроғини эслатадиган, икки ўрим сочлари тақимини ўпган, хумор кўзлари юракни куйдиргувчи, оппоқ қуйруқдеккина" жуфти ҳалоли Чучук момога ошуфта бўлган бу одам, энди маъшуқасининг узун сочлари "кўкиш тусли эчкининг думидек калта тортгач, кампиридан ҳафсаласи пир бўлиб", шаштидан тушиб, боғбонлик шавқига буткул берилган. "Ўтаган бува ҳосилининг залворидан шохларига ҳатта тираб қўйилган олма дарахти рўпарасида бир лаҳза оёқ илди. Ҳар бири чақалоқнинг калласидек келадиган олмалардан бирини авайлаб ушлаб, азза-базза ҳидлаб кўрди-да, мамнун бош чайқади. Тонг нурларига ғарқ бўлиб ётган боғни кўздан кечирар экан, чувак юзларидаги табассум янаям қуюқлашди. Ёмғирдан бебаҳра қолган лалми майса каби сийрак ўсган қошлари тагида кўндалангига қийиб очилгандек зўрға билиниб турган "хитойи" кўзлари баттар қисилиб, бир жуфт чизиққа айланиб қолди.

— Бай-бай-бай! Чимилдиқдаги келинчакдек нозланади-я..."

Бу жумлани ўқиб, субҳидам шудрингидек тиниқ боғи Эрамнинг қоқ ўртасида тургандек сезасиз ўзингизни! Бирин-кетин келтирилган ажиб ўхшатишлар завқингизга завқ, табассумингизга табассум қўшади. Айниқса, "Бай-бай-бай" фақатгина ўзбекнинг энг соҳибкор-у миришкор боғбони ўз қўли билан бунёд этган "Боғи Эрам"ига мафтунмаҳлиё боққан чоғида дил қаъридан отилиб чиқадиган чинакамига ўзбекона хитоб эканини теран ҳис қиласиз.

Шундай ҳузурбахш лаҳзаларда девор-дармиён қўшниси Шоймирзанинг "эгиз улоқли кал эчкиси олдинги оёқларини ишкомга осилтирганча мириқиб барг кавшаётгани"ни кўриб қолган боғбон ўзини қандай ҳис қилади? Бир неча жумлада тиниқ чизилган ўта табиий, ҳам кулгили, ҳам ачинарли руҳий ҳолатларнинг аниқ тасвиридан кейин қаҳрамоннинг дил қаъридан беихтиёр отилиб чиққан "Бай-бай-бай!"дек хушнуд-масрурона хитоб эмас: "Ҳа тишинг тўкилгур шумтуёқ касофат! Шунча зироатни сенинг гўммик қорнингни қаппайтириш учун парваришлаб ўтирибманми, томоғингга дўққи чиққур! Бу шайтондан ўрчиган қўтир махлуқ қачон ёрилиб ўлади-ю, мен қутуламан?! Ўзининг шумлиги етмагандек, энди болаларимиям эргаштириб келибди! Муштдайлигидан ўғриликка ўрганган бу улоқлардан эртага нима кутасан?!"

Шундай қилиб, нафақат Ўтаган буванинг Эрам боғига, балки асарнинг ўзига ҳам "эгиз улоқли кал эчки" кириб келади-да, бутун асар бу эчки-улоқни бозорга солиш можаролари атрофида чирпирак бўлиб айланаверади-айланаверади.

Ўтаган буванинг душмани — қўшни эмас, балки ўзи "шумтуёқ касофат, шайтондан ўрчиган қўтир махлуқ" дея таъриф-лаган шумтака эчки. Шунинг учун ҳам кирой ўзбек "Эчкингизга эга бўлинг-да, ҳой қўшни, бу қанақаси?!" қабилида адибади айтишиб ўтиргандан кўра шумтака эчкини тавбасига таянтиришни ҳар жиҳатдан маъқулроқ кўради. Ўз ҳовлисида қўлидаги пичоқ билан эчкисини қувалаб юрган қўшнини кўрган Шоймирза ҳам отаси тенги одамга "Ие, бу нима қилиқ?! Менинг ҳовлимда менинг эчкимни ошкора бўғизлашга нима ҳаққингиз бор?!" қабилидаги аччиқтизиқ гаплар билан бетгачопарлик қилишдан ўзини тияди. Энг қизиғи — Ўтаган бува ўзи базўр тутиб, ерга ётқизиб, пичоғини бўғзига қадаб турган шумтака эчкини дарров сўя қолмайди — шу туришида тураверади! Шоймирзанинг эса "Сўйманг!" дея уни тўхтатишга ҳадди сиғмайди. Аксинча, тақдирга тан бериб, беихтиёр "Шу эчки нечи кило гўшт қилар экан?" деган хаёлга боради. Ҳалигина хўжа кўрсин учун эчкининг бўғзига пичоқ қадаб турган, лекин сўёлмай беихтиёр ўтириб қолган Ўтаган бува Шоймирзанинг "Нега сўймадингиз?" деган саволига жавобан шундай дейди: "Қўлим бормади, улоқчаларига раҳмим келди"... Бундай хатти-ҳаракатлар ва гап-сўзлар ўқувчида самимий, беғараз кулги уйғотиш билан бир қаторда табиатан содда, оққўнгил, тинчликсуяр ва раҳмдил ўзбекнинг феъл-атвори хусусида олам-олам маълумот бера олади.

Икки ўртада пайдо бўлган муаммони қон тўкиш ва уруш-жанжалсиз, тинч йўл билан ҳал қилишнинг қандай чораси бор? Ташаббус Шоймирзанинг ўзидан чиқиб, икки қўшни бамаслаҳат шундай бир тўхтамга келишади: кал эчки билан эгиз улоқни сотиб, буткул қутулмоқ керак, тамом-вассалом!

Бироқ вақт ўтиб, ҳовуридан тушгач, "Ўтаган бува Шоймирзанинг эчкисини соттириб, эрхотинни уриштириб қўйибди, деган маломатга қолишдан қўрқаман, кампир!" дея астойдил куйинади қаҳрамонимиз. Ҳамиша "Қўшнинг тинч — сен тинч" деб яшайдиган халқнинг вакили сифатида тинчлик-тотувлик йўлини қидиради. Шу боис, эртасига тонг-саҳарда шумликнинг кўчасидан ҳам ўтмаган соддадил Шодиқулнинг кўзини шамғалат қилиб, қўшнининг уйига, аниқроғи, ўз боғига қайтиб келган маълум ва машҳур эчки-улоқларни яна ўз боғида кўрганидан хафа эмас.

Асарнинг бир ўрнида "Отанг бозор, онанг бозор" деган қадимий халқ мақоли келтирилади. Дарҳақиқат, шундай! Тўлақонли ўзбек бозори шундай бир ажиб жамоа, ота ҳам, она ҳам, бола ҳам, набира ҳам — ҳамма-ҳаммаси унинг ичида бор! Қиссада бозордан ўзининг ризқ-насибасини қидириб юрган икки тоифага хос бетакрор қиёфа ҳам ўзгача маҳорат билан чизиб кўрсатилган. Булар — табиатан бир-бирига зид Кўчар жарчи ва Хушмурод ўғри.

Кўчар жарчи нафақат кундалик тирикчилиги, балки умрининг мазмунини "Аюҳаннос, аюҳаннос!" дея одам боласини тўғрилик, яхшилик, эзгулик, тотувлик, тантилик сингари олижаноб инсоний фазилатлар сари даъват этишда деб билувчи том маънодаги жарчи — одамийлик жарчисидир. Бу жарчи тилидан ўзгача завқ-шавқ билан ҳикоя қилинган бир воқеа, айниқса, ибратлидир: кўпкари чоғида бир чавандознинг оти бўшалиб қочиб кетади-да, изсиз йўқолади. Эгаси отни топган одамга катта бир қора қўчқор атайди. Топган одам эса ўзи оч бўлсаям табиатан кўзи тўқ, танти, кийрои ўзбек экан, отни бера туриб, осмондан бехос ёғилган чалпакдек қора қўчқорни қабул қилиб олишдан қатъиян бош тортади. Икки ўртада қора қўчқор аросатда қолади: эгаси атаб қўйган, уни топалоққа бермаса бўлмайди, лекин топалоқ олмай турибди. Энди нима қилиш мумкин? Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек, бамаслаҳат сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган "энг зўр йўли" топилади: отни топган мезбон билан уни қидирган меҳмонлар икки ўртада қора қўчқорни сўйиб, бир базм уюштиришадики, афсонавий базми Жамшид ҳам бу қадар дилкаш бўлмагани шак-шубҳасиздир. Зотан, у азбаройи ном қозониш учун ўйлаб топилган ҳўжакўрсин базм эмас, мезбони ҳам, меҳмони ҳам, жарчиси ҳам мард-танти, содда-беғараз, одамохун ўзбекларнинг базмидир.

Асарда ўзбек халқининг табиатан қанчалар тинчликсуяр, тотув, мард-танти, содда-беғаразгина эмас, нақадар бағрикенглигини яққол намойиш қилиб турган яна бир жозибадор қаҳрамон — бу Хушмуроддир.

Хушмуроднинг мурод-мақсади нима? Ўғрилик йўли билан бойлик орттириш, ўзгаларни қон қақшатиш эмас, асло! Хушмуроднинг мақсади ўзи қизиқ ўзбек бозори муҳитини яна-да қизитиб, ўз одамлари орасида ўз касбини ҳалоллаб, ҳаммасининг, жумладан, ўзининг вақтини хуш ўтказиш, анқовларни хушёрликка чорлаш, қизиқчилик, хуллас, вақтихушликкина, холос! Бор-йўғи шу. У кундалик эҳтиёжига қараб ўғирлаган нарсасини пулга чақади-да, чойхонада вақтихушлик қилади. Лекин кечқурун ўзининг ҳалол ишлаб топган пулига бола-чақасига кундалик ризқ-рўзни харид қилган ҳолда уйига қайтади.

Қиссани ўқиб, ўзбек бозори нафақат кундалик ризқ-рўз, инсоний файз-тароват ва кулги-қизиқчиликлар, балки аввало, қут-бараканинг битмас-туганмас кони эканига яна бир карра амин бўласиз. Асарда қаламга олинган ва бозорга қадам қўйган ҳар бир жон — ҳамма бозордан мамнун бўлиб чиқади. Масалан, Шоймирза эчки-улоқларини янгилабгина қолмай, хотинига тош калиш, ўғлига ҳуштак ва совғасаломлар ҳам харид қилади. Шодиқул базўр етишган жойида бехос йўқотиб қўйган эчки-улоқларини айнан ўзбекона бозорнинг шарофати билан қайта топиб олади. Уч бозордан буён эчки-улоқларини сотолмаётган бўш-баёвгина йигит, ниҳоят, ҳалол даллол Ўтаган буванинг шарофати билан уларни сотишга муваффақ бўлади. Хушмурод "ҳалоллаб кетган" эчки-улоқларни арзон-гаров сотиб олган қассоб ҳам ўз пулини Ўтаган буванинг ибратли сабоғига қўшиб қайтариб олади. Кўчар жарчи ва Хушмуроднинг "иш куни" ҳам анчагина сермазмун, мароқли ўтади. Ўзи дуч келган ҳаммани муродига етказган ва уларнинг хурсандчилигига сабабкор бўлган миришкор боғбон-у кийрои даллол Ўтаган буванинг хурсандлиги эса, табиийки, ҳаммасидан кучлироқдир.

Ҳа, баракада гап кўп! "Баракасини берсин!" деган ўзбекона эзгу тилакда ҳам!

ОТАУЛИ

Саҳна

«Ойқулоч», ойга қараб қучоқ оч!

Мамлакатимизда ўтказиладиган йирик маданий тадбирларда, байрам концертларида қорақалпоқ йигитларининг давра қуриб рақсга тушганини кўп кўрганмиз. Уларнинг мусиқа оҳанги билан уйғунлашган ажиб ҳаракатлари фикру хаёлимизни ўзига тортади, завқ-шавқ бағишлайди.

Қорақалпоқ халқининг узоқ ўтмиши ва бугунги кун турмуш тарзи рақсларга сингдирилган бўлиб, унда миллийлигимизга хос урф-одатлар ифори барқ уриб, кишига хуш кайфият улашади. "Парвоз", "гиламда сакраш", "ҳаккалаб сакраш", "эшкак эшиш", "қурбақа" каби турфа хил ҳаракатлардан иборат бўлган "Йигит-қизлар", "Балиқ", "Уйланиш", "Олти қиз" рақслари сизу бизни ажойиботлар дунёси томон етаклайди. "Севган ёр" халқ қўшиғига ўйналадиган рақс эса бошқаларидан фарқ қилади. Унда йигитлар асосан "чапак солиш" ва "қулоч ёйиш" ҳаракатларидан фойдаланган ҳолда рақс амалларини гиламда бажаришади. Улар айлана бўлиб ўтиришади-да, ўртага ёйилган гиламнинг устидаги йигитни осмонга отишади. У эса фалакдаги ойни қучишга ҳаракат қилади.

Бахтдан энтиккан қорақалпоқ йигитларининг гиламда ойни қучмоқ орзусидаги ана шу рақси билан ҳамоҳангликда тузилган "Ойқулоч" фольклор ансамбли бир неча ўн йиллардан буён ўзининг кўнгилларга хуш ёқувчи куй-қўшиқлари ва рақслари билан оммага манзур бўлиб келмоқда. Ансамбль фаолияти йўлга қўйилган дастлабки пайтларданоқ у "Йигитлар рақси" бўлими билан иш бошлаган. Ҳозир эса эстрада қўшиқчилиги, анъанавий ижрочилик ва фольклор йўналишлари бўйича ҳам бўлимлар ишлаб турибди.

Айни дамда ансамблга Байрам Мурадов раҳбарлик қилмоқда. "Йигитлар рақси" бўлимида эса бир-биридан гўзал, мазмунли рақсларни ижро этаётган 24 нафар қобилиятли йигитлар рақс тушади. Фахр билан таъкидлаш жоизки, юртимизда қандай байрам тантаналари ўтказилмасин, уларнинг жозибали рақслари бу тадбирларга жило бериб туради.

Ойқулоч, ойқулоч,
Ойга қараб қучоқ оч,

дея сакраб-сакраб, жўшқин кайфиятда ҳаракатланадиган йигитларга қандай қилиб жўр бўлганингни билмай қоласан, киши.

— Бўлимимизга маҳоратли йигитларни саралаб олганмиз. Уларга тажрибали мураббийлар рақс сирларини мунтазам ўргатиб боришади. Машғулотлар ҳар куни олиб борилади. Биз кўпроқ рақсларга янги ноанъанавий ҳаракатларни миллийлигимиздан келиб чиққан ҳолда сингдиришга ҳаракат қиламиз, — дейди "Йигитлар рақси" бўлими раҳбари Полат Мадримов.

Ансамблнинг бу каби саъй-ҳаракатлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Негаки, "Ойқулоч" раққослари Германия, Англия, Туркия, Озарбайжон каби давлатларда қорақалпоқ миллий рақсларини жаҳон халқларига намоён этиб, нуфузли фестивалларда совринли ўринларни эгаллаб келишяпти.

Бу ютуқлар раққос йигитлар учун ҳамир учидан патирдек гап. Уларни истиқболда бундан-да катта эгалланмаган марралар кутмоқда. Ўзида қатъийлик, тўғрисўзлик, мардлик ва вафодорлик каби хислатларни жамлаган қорақалпоқ рақсларининг бетакрор жозибаси билан сизнинг ҳам қалбингизга кириб бориб, санъат сарчашмаларининг куртак отишига сабабчи бўлишига ишончимиз комил.

Қумар БЕГНИЯЗОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-97-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

ШИЖОАТЛИ ЁШЛИК БАЙРАМИ

(Бошланиши 1-бетда.)

...Замон андозаларига мослаб бунёд этилган "Сурхон" спорт мажмуи. Ўн минг томошабинга мўлжалланган стадионда эса меҳмонлар ва спорт мухлислари аллақачон ўз жойларини эгаллаб, мусобақанинг тантанали очилиш маросимини ҳаяжон билан кутишмоқда. Рангбаранг чироқлар жилоланади. Майдонда майин ҳилпираётган байроқлар бу спорт мажмуига ўзгача руҳ, ўзгача тароват бахш этади. Хурсандчиликнинг чеки йўқ.

Сурхондарё вилоятида илк бор ўтказилган ёшлик, баркамоллик, нафосат ва бирдамлик байрами — "Баркамол авлод — 2011" мусобақалари ана шундай кўтаринкилик билан бошланди.

Шу ўринда "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоятда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Термиз шаҳрида янги "Сурхон" спорт мажмуи қад ростлади. Мажмуа таркибидаги 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, бадиий гимнастика ва қўл тўпи заллари замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланди. Термиз олимпия захиралари спорт коллежи, 1-академик лицей ҳамда Термиз давлат университетининг спорт заллари, «Алпомиш» теннис корти ва кураш мажмуаси, «Алпомиш» стадиони қайта таъмирланди, Термиз педагогика коллежи спорт зали ҳамда "Дельфин" сузиш ҳавзаси реконструкция қилинди. Шунингдек, Термиз археология музейи, Ҳаким Термизий мажмуаси, вилоят қўғирчоқ театри, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри ва бошқа кўплаб иншоотлар тубдан таъмирланди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилди. Кенг, равон йўллар барпо этилди. Иштирокчилар ва мусобақа меҳмонлари тантанали кутиб олинган Термиз аэропорти ва темир йўл вокзалида кенг кўламли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

"Баркамол авлод — 2011" беллашувларининг финал босқичи қатнашчилари учун қизиқарли ва кўнгилочар тадбирларга бой катта маданий дастур ҳам тайёрланди. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар, турли шоу-концертлар ташкиллаштирилди.

«Баркамол авлод — 2011» мусобақалари ўсиб келаётган ёш авлод учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётий эҳтиёжига айланиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Олимпия тамойилларига қатъий риоя қилинган, холислик, ҳалоллик, ўзаро дўстлик, рақибга ҳурмат каби қадриятлар бош мезон бўлган беллашувларда иштирокчиларнинг кўрсаткич ва натижалари тобора ўсиб бораётгани қайд этилди, кўплаб янги рекордлар ўрнатилди.

Йигит-қизларимизда мустаҳкам ирода, ўз кучи ва имкониятларига ишонч, мардлик, ватанпарварлик, эл-юртга садоқат каби юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга хизмат қиладиган "Баркамол авлод" мусобақасининг жорий йилги баҳсларида 867 нафар ёшларимиз баскетбол, кураш, белбоғли кураш, енгил атлетика, теннис, стол тенниси, қўл тўпи, сузиш каби 12 та спорт тури бўйича вилоятдаги спорт мажмуаларида омадларини синаб кўришди.

Вақт ҳеч қачон кишига тутқич бермайди. Ёшларимиз томонидан интиқлик билан кутилган мусобақаларга ҳам ана-мана дегунча якун ясалди. Икки кун олдинги таассуротларнинг шираси қалбимиздан кетмай туриб, «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими ҳам бошланди. Мусобақада энг кўп медаль жамғариб, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоаси энг қадрли, энг юксак соврин — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур "Баркамол авлод" спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — "Дамас" автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Сурхондарё ва учинчи поғонадан жой олган Хоразм вилоятлари жамоаларига Президент совғаси — "Дамас" автомобиллари топширилди.

Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ирода ва ғалабага интилишини намоён этган, тенгқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи-ўқувчилар махсус совринларга сазовор бўлишди.

...Стадион узра мусиқа садолари янгради. "Баркамол авлод — 2011" республика спорт ўйинларининг байроғи туширилди. Уни сурхондарёлик ёш спортчилар навбатдаги финал мусобақасига мезбонлик қиладиган Наманган вилояти вакилларига топширди. "Баркамол авлод — 2011" спорт ўйинларининг машъаласи астасекин ўчирилди. Бироқ у мусобақалар қатнашчилари қалбига жо бўлган, уларнинг катта спорт сари йўлини ёритиб, янги ва янада улкан ютуқлар сари чорлайверади. Зеро, бугун ёшларимиз қалбига спортга муҳаббат бугун учкун бўлиб кирган бўлса, йиллар ўтиб халқаро мусобақаларда у алангага айланади.

Азим РЎЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири



Бобур шаҳси Жаҳон алломалари нигоҳида

Қадрият

Заҳириддин Муҳаммад Бобур нафақат йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, балки ўрта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган шоир, адиб, тарихнавис олим сифатида ҳам жаҳон тарихидан муносиб жой олган зот. Биргина "Бобурнома" асарининг ўзи унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанига яққол мисолдир.

Шарқу Ғарб олимларини бирдек ҳайратга солиб келаётган Бобур шахсиятига жаҳон ўз нигоҳини қаратгани ҳам бу сиймонинг инсоният тарихида жуда кам учрайдиган фавқулоддa иқтидор ва фазилатлар соҳиби эканини тасдиқлайди.

Уни ҳақли равишда Шарқу Ғарбнинг энг шарафли шаҳзодаларидан бири деса арзийди. У ўзининг ўткир назари билан Мовароуннаҳрда темурийлар ҳокимиятининг инқироз вақти яқинлашганини биринчи бўлиб кашф этди. Буни тўхтатиш учун илк бор қаршилик кўрсатди. Лекин келажакда бошига тушадиган ташвишлар сабабли толеи кулиб боқмади.

Ҳерман ВАМБЕРИ,
"Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи"

* * *

У (Бобур) гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга подшоҳ эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва мурувватпешалиги устун келарди. Туркий шеъриятда Мир Алишердан кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган. У туркийда ажойиб тотли девон тартиб берган. "Мубаййин" номли шеърий асар яратган — жуда фойдали китоб бўлиб, одамлар уни фиқҳ дастуриламали сифатида қабул қилишган. У "Туркий аруз"ни ёзган, бундай етук асарни — туркий арузни унгача ҳеч ким битмаган.

Ҳайдар МИРЗО,
тарихчи

* * *

Бобур феъл-атворига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган.

Эдуард ҲОЛДЕН,
инглиз тарихчиси

* * *

Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир. Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгиздурким, ичи тўла жавоҳиру дурдона, фиқҳ масалаларини даги бир рисолада мубайян қилганким, ёзгувчиси донишмандлигидан бир нишона: туркий ва форсийда яхши шеърлари бор.

Ҳасанхожа НИСОРИЙ,
"Музаккири аҳбоб"

* * *

Бу хотираларда ("Бобурнома" назарда тутиляпти. — Ш. Ё) буюк туркий подшонинг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболаға ва пардалашлардан холи. Услуби оддий, мардона, жонли ва образли. У ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ҳамда интилишларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Шу жиҳатдан бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳарбий одамнинг ташқи кўриниши, кийими, таъби ва одатларини ифода этади, мамлакатларни, уларнинг иқлими, табиати, хўжалиги, санъат ва ҳунармандлик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёрқин характери асарга энг кўп жозиба бағишлайди.

Монстюарт ЭЛФИНСТОН,
инглиз шарқшуноси

* * *

Бобур Шарқ мамлакатлари тарихига ярашиб тушган ҳукмдорларнинг ёрқин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуғ шоҳга мансуб бўлган фазилатлардан таркиб топган эди. Ўша давр тарихчиларининг ёзишларига қараганда, унинг укалари ёки амирлари Бобурга қарши кўтарилган ёки фитнага бош қўшган бўлса, улар ўз айбини тан олиб, тавба қилиши биланоқ, тарихчи Хафихоннинг таъбири билан айтганда, эрон, араб ёки ҳинд шоҳларидан фарқли ўлароқ, уларни кечиришдан ташқари ҳеч қандай гина ҳам сақламас эди. Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди.

Уильям ЭРСКИН,
"Бобурнома" таржимони

* * *

Бобур иродаси метин, қатъиятли шахс бўлган. У саркарда сифатида қўлига қилич олганда шерюрак паҳлавонга айланар, хавфу хатарни писанд қилмас, рақибини мағлуб этиб ниятига етмагунча жони тинчимасди. Лекин у қилични қўйиб, қалам тутганида, мутлақо ўзга инсон қиёфасига кирарди. Шоир Бобур гўзаллиққа ошуфта, ёр васлига интизор, дўстлар суҳбатига муштоқ, қалби юмшоқ, кўнгли яримта, дил туғёнларини жиловлашга ожиз, эҳтиросли зот эди.

Жавоҳарлаъл НЕРУ,
«Умумжаҳон тарихига бир назар»

Шербек ЁДГОРОВ тайёрлади

АНИҚ ФОЙДА
«МТС VIP» ТАРИФИ

«МТС VIP» тарифи харажатларни камайтириш ва тармоқ ичида мутлақо бепул қўнғироқ қилиш имконияти.

Барча кирувчи қўнғироқлар – $0
Тармоқ ичида чиқувчи қўнғироқлар – $0
Бошқа рақамларга чиқувчи қўнғироқлар – $0,025

Абонент тўлови – $0,55 (кунига)

МТС бир қадам олдинда

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11
Андижон —	8-374-250-90-39
Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 30

® — тижорат белгиси.

Адади: 8456 Буюртма — Г-526 123 5